4 АПР 1990

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 3 апрель Сешанба № 63 (13. 499). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ҳал қилувчи ой

Комсомол ишлари кундалиги: *Апрель*

БИЗ ҲАР ГАЛ сен билан учрашганда комсорг, бу ой комсомол ишида жуда муҳим, аҳамиятли давр деб айтамиз. Бу эса кимларгадир эриш туюлиши мумкин. Лекин комсомол ишини тушунган, уни ичидан ҳис қилган кишини эса бу ажаблантирмаслиги аниқ. Чунки чиндан ҳам комсомол иши ҳамиша тиғиз, унинг шанба-якшанбаси, «отпуска»си йўқ.

Апрель ойи ҳақида гапирадиган бўлсак, у чиндан ҳам ҳеч қандай муболағасиз, ҳал қилувчи ой. Нимани ҳал қилади, деб савол беришингиз мумкин. Умуман комсомол бундан кейин яшаб қоладими, агар яшаб қолса, у яна илгаригидек фаолият кўрсатадими ёки унинг иши тубдан ўзгарадими, жамиятимиз тараққиёти жуда жадал суръатда ўзгариб бораётган шу кезларда унинг асосий вазифалари нималардан иборат, партия билан комсомолнинг алоқаси энди қандай бўлади, кўппартиявийлик шароитида комсомолда ҳам муқобил кучлар ва оқимлар юзага келса, улар билан қандай муносабатлар шаклланади, деган саволларга 11 апрелда Москва шаҳрида бошланадиган ВЛКСМнинг XXI съезди жавоб беради. Съезд навбатдан ташқари бўлиб қолмай, балки фавқулодда ҳамдир. Чунки кўтарилаётган масалаларнинг долзарблиги ва ҳаётийлиги унинг фавқулоддалигини белгилаб беради.

Комсорг, мана жумҳуриятимиз комсомол ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференцияларида комсомол олий анжуманига 172 делегат сайланганди. Улар бугун-эрта Москвага жўнаб кетишади. Ўз ташкилотингда съезд делегатлари билан учрашувлар ўтказдингми? Уларга ёшлар ўз наказларини беришдими? Комсомол ташкилотингнинг ВЛКСМ XXI съездига позициясини белгилаб олдингларми? Энди съезд ишини ёшлар билан биргаликда кузатиб бориш, унинг ҳужжатларини, кўрсатмаларини тезда муҳокама қилишга ҳам аста тайёргарлик кўраверишиш керак.

Шу кунларда Ўзбекистон комсомолининг 65 йиллиги нишонланмоқда. Жумҳурият комсомолининг ўтган даврини таҳлил этганда, бутун жамият ва ВЛКСМдан ажратиб олиб таҳлил этиш нотўғри бўлур эди. У жамият билан бирга яшади, бирга ўсди, бирга янглишишларга йўл қўйди. Нима бўлганда ҳам у ҳозир ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг энг асосий вазифаси деб билган ягона ташкилот эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Комсомол юбилейи учрашувларида мана шу ҳолатга диққат қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Апрель ойида мактаб комсомол ташкилотларида ҳисобот-сайловлар бошланади. Бу кампания ВЛКСМ XXI съезди кунларида бўлаётганлиги ҳам унга айрича масъулият юклайди. Ҳисобот-сайлов йиғилиши белгиланган муддатларда ўтиши, у ўта куюнчаклик ва ўз-ўзини танқид руҳида бориши, конкрет таклифлар бўлиши, муҳими, комсомол етакчилигига ишчан, дадил ёшлар сайланишига ҳаракат қилиш керак.

Апрель қишлоқ хўжалик мавсумининг энг масъулиятли палласидир. Экин-тикин даври бошланди. Комсомол-ёшлар бригадаларидаги ишлардан хабардор бўлиб туриш, экиш мавсуми ўз муддатида ўтишига ёрдам бериш сенинг вазифангга киради, комсорг.

Бу ой ҳам байрамлар ва тадбирларга, саналарга бой. 22 апрелда барча прогрессив инсоният В. И. Лениннинг 120 йиллик юбилейини нишонлайди. Бу галги юбилей шу маънода аҳамиятлики, ошкоралик ва демократия шароитида В. И. Ленин фаолияти ва илмий мероси турлича талқин этила бошлади. Биз турғунлик йилларида Ленинга ҳам бир ёқлама ёндаша бошлаган эдик. Ленинни билиш деб ундан цитата олиш билан чекланиб қолгандик, уни тушуниш, идрок этишни унутиб қўйгандик. Бу галги Ленин санасида шу маънода у ҳақдаги тўла ҳақиқат юзага чиқади, деб умид қиламиз.

Шунингдек, юбилей кунлари анъанавий бўлиб ўтадиган Бутуниттифоқ шанбаликка алоҳида эътибор қилишни унутма, комсорг.

12 апрель Космонавтика куни.

24 апрель эса Халқаро ёшлар куни. Бу саналарни нишонлаш учун ҳам жиддий тайёргарлик кўришни унутма.

Бу ойда «Талаба ва илмий техник тараққиёт» жумҳурият олимпиадаси, ёш олим ва мутахассислар Ассоциациясининг конференцияси ҳам бўлиб ўтади.

ХУЛЛАС, КОМСОРГ, ИШЛАР КЎП. Ташвишлар ҳам. Бу саналар эса сени янада шошириб қўйиши мумкин. Лекин энг муҳими ўз ташкилотинг ёшларини айни кунларда нималар кўпроқ қизиқтираётган, ташвишлантираётган бўлса, шулар билан шуғуллан. Бунда сен қайсидир санани ўтказиб юборишинг, «юқори»нинг қайсидир топшириғини бажаролмай қолишинг, қайсидир қарорни уддалолмай қолишинг мумкин, лекин сен энг муҳим ишни — ёшларнинг хоҳиш манфаатини ҳимоя қилган бўласан. Бу эса катта гап.

Бу ишда сенга омад тилаймиз, комсорг.



АНДИЖОН ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси меҳнатига тан бермасдан илож ҳам йўқ. Жорий йилда 9 минг 600 тонна ип ҳамда 31.430 минг погон метр газлама, 230,965 сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш осонми? Йўқ, албатта. Қанча машаққатлар меҳнатлар сарф бўлади.

Суратда: Қумри Қурбоновани бирлашмада ҳамма «Энг илғор ип йигирувчилардан бири» дейишади. Унинг ўзи эса «Йўқ, қўйинглар, кўпам мақтайверманглар, эл қатори ишлаяпман, холос», дейди камтаринлик билан.

А. МИРЗАЖОН сурати.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

31 март куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари доимий комиссиясининг раиси депутат Э. Ҳ. Ҳалилов «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори лойиҳасига депутатларнинг таклифига биноан киритилган ўзгартишларни маълум қилди. Олий Совет ушбу қарорни қабул қилди.

Сўнгра Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси М.—Б. М. Маликов тақдим этган ва тегишли доимий комиссияда кўриб чиқилган Ўзбекистон ССР Олий суди таркибига кўрсатилган номзодлар муҳокама қилинди. Муҳокама номма-ном, принципиаллик ва масъулият вазиятида ўтди. Депутатлар республика Олий судидан ишни қонунга қатъий амал қилган ҳолда олиб боришни, гражданлар асоссиз жазоланган бирорта ҳам ҳолат бўлишига йўл қўймасликни талаб қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари ва суднинг бир аъзосидан ташқари янги состав тасдиқланди. Республика Олий суди халқ маслаҳатчилари таркиби ҳам тасдиқланди. Областлар ва Тошкент шаҳар судларининг составлари бир қанча ўзгаришлар билан тасдиқланди.

Депутат Ж. Ҳамидов Ўзбекистон ССР Давлат Гимнини ўзгартириш зарурлиги тўғрисидаги ахборот билан чиқди. Депутатлар республика Давлат Гимнининг матни ва мусиқасини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни тегишли доимий комиссияларга топширишга ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида узил-кесил қарор қабул қилишга келишиб олдилар.

Республика Министрлар Советининг доклади юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети қарорини ишлаб чиқувчи таҳрир комиссиясининг раиси Э. Т. Шайхов қарор лойиҳасига депутатлар нутқларида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб киритилган қўшимчаларни маълум қилди. Муҳокамадан кейин Олий Совет ушбу қарорни қабул қилди.

Сессияда Конституцион назорат комиссияси тўғрисида айрим гражданларнинг имтиёзлари масалалари билан шуғулланувчи комиссия тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳақида қарорлар қабул қилинди.

Депутат Н. В. Рябов республикадан ташқарига жўнаб кетиши муносабати билан депутатлик ваколатларини ўзидан соқит қилиши тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилди. Олий Совет бу илтимосни қондирди, 248-Наманган сайлов округида қайта сайлов ўтказишга қарор қилинди.

Депутат А. Б. Емельянов Чернобиль авариясидан азият чеккан белоруссиялик бир гуруҳ болаларни дам олиш ва соғломлаштириш учун республиканинг пионер лагерларида жойлаштириш тўғрисидаги таклиф билан Ўзбекистон ССР халқ депутатларига мурожаат қилди. Бу таклиф қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси М. И. Иброҳимов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясини якунлади.

Шу билан сессия ўз ишини тамомлади.

Жумҳурият янгиликлари

«ҚИЗИЛ ТОНГ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир гуруҳ ходимлари ГФР корхоналарига жўнаб кетдилар. Унинг таркибида технологлар, моделчилар, электриклар ва механиклар бор. Улар қарийб бир ой мобайнида етакчи турдош корхоналарда тажрибаларини оширадилар.

Ҳозир бирлашма цехларида ГФР ва Францияда ишлаб чиқарилган серунум ускуналар ўрнатилган. Тошкентлик тикувчилар шу ускуналар ёрдамида маҳсулот турини кескин янгилаш, унинг сифатини ошириш ниятидалар.

«Қизил тонг»нинг Франциядаги «Клекнер ИНА» фирмаси билан тузган шартномаларидан бирига мувофиқ бу ерда тикувчилик конвейерлари техника билан қайта жиҳозланади. Шунинг учун ҳам улардан фойдаланиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Бу орада дастлабки стажерлар — бирлашманинг Францияда иш ўрганган 12 мутахассиси қайтиб келди. Энди улар «Клекнер ИНА»дан сотиб олинган модадаги кийим-бош моделларини кўплаб ишлаб чиқаришни бошлаб беришлари керак бўлади.

УТГАН ЙИЛГИ иш якунларига кўра СССР Химия ва нефть саноати нозирлиги билан тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи «Ўзбитхим» бирлашмаси коллективига берилди.

Ўзбекистонлик химиклар барча план кўрсаткичларини ортиғи билан бажардилар. Улар 73,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу ерда асосий эътибор тақчил синтетик кир ювиш воситалари ишлаб чиқаришга қаратилди. Савдога 35 минг тонна ана шундай маҳсулот етказиб берилди.

Бирлашма ходимлари бу йил ҳам юқори суръатни сусайтирмаяптилар. Ҳозир улар планни деярли бир миллион сўм ошириб бажараяптилар.

Яна бир хушхабар. Бирлашма билан Италия фирмаларидан бири ўртасида ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш юзасидан шартнома тузилди. Тошкент синтетик кир ювиш воситалари заводида ҳозирнинг ўзидаёқ чет элда ишлаб чиқарилган ускуналарни қабул қилиб олишга тайёрланиляпти, техник ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

(ЎзТАГ).

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЛИТВА ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Литванинг ҳозирги раҳбарияти ақл-идрок овозига қулоқ солмай, СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди қарорини ҳамон назар-писанд этмаяпти, СССР Конституциясига зид бўлган ҳамда бутун Иттифоқ учун ошкора дағдаға қилувчи ва ҳақоратомуз тусдаги ҳатти-ҳаракатларни бир ёқлама тартибда амалга ошираяпти.

Бу йўл ҳалокатли бўлиб, фақат боши берк кўчага олиб келишини яна бир бор айтмоқчиман.

Литва ССР Олий Совети депутатларини бу ҳақиқатни, Литва халқи — литваликлар ва литвалик бўлмаган кишилар манфаатлари, уларнинг хавфсизлиги ва бахт-саодати учун, бутун мамлакатимизда демократия ва жаҳонда барқарорлик тақдири учун ўзларининг тарихий масъулиятини англашга даъват этаман.

Литва ССР Олий Советининг сессиясида қабул қилинган ҳуқуқга зид ҳужжатларни дарҳол бекор қилишни таклиф этаман. Бундай қадам вужудга келган барча муаммоларни бирдан-бир мақбул асосда— СССР Конституцияси доирасида муҳокама қилиш учун имконият яратади.

М. ГОРБАЧЕВ.

СССР Министрлар Советининг қарори

1990 йил 29 март № 305 Москва, Кремль

БЕЛГИЛАНГАН ҲАҚИҚИЙ ХИЗМАТ МУДДАТИНИ УТАБ БУЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ, ЧЕГАРА, ИЧКИ ВА ТЕМИР ЙУЛ ҚЎШИНЛАРИ САФЛАРИДАН БЎШАТИШ ВА 1990 ЙИЛНИНГ АПРЕЛЬ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА ГРАЖДАНЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА.

СССР Министрлар Совети «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунини бажариш юзасидан **қарор қилади:**

1. Белгиланган ҳақиқий хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли хизматга чақирилган ҳарбий хизматчилар 1990 йилнинг апрель-июнь ойларида СССР Қуролли Кучлари, чегара, ички ва темир йўл қўшинлари сафларидан запасга бўшатилсин.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ҳарбий хизматчилар запасга бўшатилиши муносабати билан 1990 йилнинг апрель-июнь ойларида чақириқ кунигача 18 ёшга тўладиган, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган эркак гражданлар, шунингдек чақириш муддатини кечиктириш ҳуқуқини йўқотган катта ёшдаги гражданлар СССР Қуролли Кучлари, чегара, ички ва ҳарбий қўшинларга белгиланган муддатга ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилсин.

3. Қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. РИЖКОВ.

СССР Министрлар Совети Ишлар бошқармасининг бошлиғи М. ШКАБАРДНЯ.

«АФҒОН»ЧИЛАР ШАРАФИГА

(Ўз мухбиримиздан телефон орқали олинди)

Хоразмлик уч мингга яқин йигит Афғонистон жумҳуриятида ўз байналмилал бурчини адо этиб қайтган. Адолатсиз урушда улардан 77 нафари ҳалок бўлди. Ярадор ва бир умр майиб-мажруҳ бўлиб қолганларнинг сони эса 200 нафардан зиёд.

Ўтган шанба куни бутун воҳа бўйича ўтказилган шанбалик афғон жабрдийдаларига, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ёрдам, уларга хотира ёдгорликлари ўрнатишдек эзгу ишларга яхши бошлама бўлди. Вилоят байналмилал жангчилар кенгашининг ташаббуси билан уюштирилган бу шанбаликда нафақат комсомол ёшлар, деярли бутун воҳа аҳолиси иштирок этди. Юз эллик мингга яқин комсомол аъзолари зарбдор меҳнат жабҳасининг олдинги сафларида бўлдилар.

Шанбаликдан ишлаб топилган барча маблағлар «афғон»лар учун очилган махсус жамғарма ҳисобига ўтказилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасида

Қутлаймиз, лауреатлар!

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасида фан-техника ва ишлаб чиқариш соҳасида 1989 йил жумҳурият Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлганларга лауреатлик диплом, нишони ҳамда пул мукофоти топширилди.

Тантанали қисмдан сўнг, лауреатлар давра суҳбати қурдилар. Давра суҳбатида лауреатлик, унинг жамиятдаги ўрни, ёш олимлар ва мутахассисларга яратилаётган шароит ва имкониятлар, қийинчиликлар хусусида қисқача суҳбатлашиб олдилар.

Яқинда жумҳуриятимиз Фанлар академиясининг математика институти ташаббуси билан ташкил этилган Улуғбек фонди ҳақида сўз борди. Унинг ёш олимларга кўмак бериши, қўллаб-қувватлаши тўғрисида гапирилди. «Мактабларда истеъдодли болалар кўп, фақат уларни излаб топиш керак. Жойларда фаолият кўрсатаётган комсомол қўмиталари бу хайрли ишда ташкилотчиликни ўз қўлларига олишлари даркор», «Талабалар билан ишлашни ҳам йўлга қўйиш керак. Буни давр тақозо этмоқда», «Моддий техника базамиз ҳолдан тойган. Қобилиятли ёшларимиз бисёр бўлса-да, улар фан соҳасига йўл топа олмасдан аросатда қолиб кетмоқдалар», «Қишлоқ болаларида тушкунлик кайфияти кучли. Қолаверса кўпчилик ота-оналар фарзандларининг қизиқишларига етарли эътибор бермайдилар», «Таълим системасини ўзгартириш керак. Балким шогирд-устоз услубини жорий этиш билан бу борада бирон ўзгаришга эришса бўлар?», «Сиртқи олимпиадалар ўтказиш йўли билан иқтидорли ёшларни танлаб олиш мумкин», «Ёшлар Фанлар академиясини тузиш керак. Бу академия Улуғбек жамғармасини бошқариб турсин», «Нега жумҳуриятимизда Новосибирск академиклар мактабидек машҳур илм масканлари йўқ»...

Таклифлар, улар жуда кўп. Қанийди айтилган сўзлар маълум давра суҳбатидагина қолиб кетмай, тегишли муассаса, мутасадди раҳбарларга ҳам етиб борса. Муҳими, фикр ва мулоҳазалар инобатга олинсин.

Лауреатлар шуни исташди. Фақат улар эмас, фан соҳасида иш олиб бормоқчи бўлган ёш олим ва мутахассис ҳам, қолаверса жумҳуриятимиз равнақини ўйлайдиган, у ҳақда қайғурадиган давр кишисининг ҳам истаги шу.

Суҳбат давомида жумҳурият ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР халқ депутати Азиз Носиров лауреатлардан лауреатлик, унинг обрўси ҳақида фикр сўради. Лауреатлар ўз мулоҳазаларини билдирганларидан сўнг, марказқўм биринчи котиби шундай таклиф киритди: «Агар биз Сизларнинг ҳар бирингизга бирон капиталистик мамлакатга саёҳат қилиб келиш учун йўлланма берсак ҳамда йўлланманинг 50 фоизини ўз ҳамёнимиздан тўласак, нима дейсизлар?».

Таклиф маъқул тушди. Мулоқотда яна шу нарсага келишилдики, бу саёҳат шунчаки томоша бўлиб қолмасин, ундан жамият наф кўрсин. Хориждаги ўзгаришлар олимларнинг бўлғуси изланишларида ҳам акс этсин. Унга ижобий таъсир ўтказсин.

— Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвони обрўси пастлиги бизни ўйлантирмоқда, — деди Азиз Носиров мулоқот сўнггида. — Биз унинг обрўсини ошириш йўлларини излаяпмиз. Балким, бугун биз тутган йўл унинг жамиятда ўз ўрнини топа олишида муҳим бир қадам бўлиб қолар.

Лауреатлар билан бўлган мулоқотда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси котиби Абдурашид Қодиров ҳам иштирок этди.

А. МАМАДАМИНОВ.

* * *



СУРАТДА: 1989 йилги Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари.

МУАЛЛИФ суратга олган.

Долзарб мавзу

Хорижда ўқишга тайёрмисиз?

Халқимизнинг атоқли фарзанди Файзулла Хўжаев ҳам хорижда таҳсил кўриб келган эдилар... Албатта гап ҳозир улар ҳақида эмас. Балки юртдошларимиз бошлаб берган, бироқ узоқ йиллар давомида жумҳуриятимиз талабалари учун «берк эшик» бўлган бир мавзу ҳақида...

Илм-фан тараққий қилиб бораётган, жумҳуриятимиз тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтаётган бир вақтда жаҳон иқтисодиётини, ҳуқуқини, халқаро муносабатларини биладиган мутахассисларнинг биз учун нақадар зарурлиги хусусида гапирмаса ҳам бўлади. Хўш, биз талабалар хорижда ўқишга тайёрмизми? Ёки бўлмаса, бизни юборишмоқчи бўлаётган мамлакатларнинг маданиятидан воқифмизми? Мулоқот воситаси — чет тилларини биламизми?

Тошкентда 296 та ўрта мактаб бор. Улардан 4 тасида инглиз, 4 тасида араб, 3 тасида ҳинд тиллари ва 5 та мактабда биттадан француз, немис, форс, хитой, урду тиллари иккинчи синфдан бошлаб ўргатила бошланади. Қолган мактабларда эса чет тили фақатгина юқори синфларда ўтилади. Ваҳоланки, давр талабидан келиб чиқиб бундай махсус йўналишли мактаблар сонини 3-4 баробар кўпайтириш, жумҳуриятимизнинг бошқа ноҳияларида ҳам бунга кўпроқ эътиборни қаратиш зарур. Токи ўз болаларининг чет тилларидан бирига мукаммал равишда ўргатишни орзу қилаётган ота-оналар 100 ёки 150 сўм тўлаб кооперативларда, репетиторларда эмас, балки ана шундай махсус мактабларда ўқитиш имкониятига эга бўлсинлар.

Тошкент дорилфунунининг тарих, фалсафа-иқтисод, ҳуқуқшунослик, журналистика факультетларида ҳам дарс жадвалларига, бошқа факультетлардаги каби чет тили соатлари қўйилган. Ана шу факультетларнинг ўзбек тили курсларида талабалар, айтайлик, немис тилидан икки йил, узоқ борса уч йил давомида мажбурий дарс ўтадилар. Бу дегани шу давр орасида 400-500 соат чамаси, ҳафтасига икки маротаба дарс хонасида, бир маротаба мустақил равишда тил ўрганилади. Ҳар ҳафтада талаба 30 соат, бундан ташқари мажбурий дарс соатларига эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг аълочи талабамиз ҳам, чет тилини мулоқот даражасида билишдан йироқ эканлиги табиий. Журналистика факультетида бу кўрсаткич ундан ҳам пастроқ, яъни немис тили фақат 3-4-курсларда 300 соат давомида ўргатилади. Юқорида тилга олинган факультетларнинг сиртқи бўлимларида эса аҳвол янада ачинарли.

Йилда икки маротаба имтиҳонлар, ёзма ишлар топширгани келадиган талаба ўз мутахассислигига зарур бўлган фандан ташқари, немис тилидан синовдан ўтиши керак. Бусиз илож йўқ. Чунки бизнинг олий ўқув юртларида битта «қарзинг» борми, ҳайдалдинг деган сўз. Тўғри, айрим домлаларимиз ва баъзи бир ўртоқлар махсус мактабда, у ерлардаги дарс соатларини оширишни гапириб турибди, олий ўқув юртлари дарс жадвалларидаги ажратилган соатларга шукр қилсангизчи, дейишлари мумкин. Мен бир нарсада, яъни мажбурийликка қарши эканлигимни таъкидламоқчиман. Ҳар қалай олий ўқув юрти мактаб эмаслигини, у ерда нафақат чет тили, балки бошқа дарслар мажбурий ўқитилмаслиги кераклигини тушунишимиз, бугунги кунда мақсадга мувофиқдир.

Лекин таклиф тарзида қуйидаги фикрларни билдирмоқчиман: олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимлари дарс жадвалларидан умуман чет тили соатларини фойдасиз бир нарса сифатида олдириб ташлаш зарур. Кундузги бўлимлар дарс жадвалларидан мажбурий чет тили соатлари ўрнига ихтиёрий равишда талабалар қатнайдиган факультатив соатлар жорий қилиш, домлаларнинг дарс соатларини қисқариш натижасида ойлик иш ҳақлари камаймаслиги учун ихтиёрий равишда талабалар қатнайдиган турли тиллар бўйича тўгараклар очиш даркор.

Масаланинг яна бир томони шундаки, мажбурий қилиб белгиланган дарс жадвалидан соат олмоқ учун чет тили домласининг ўқув шўъбасида, (группасида) камида 3 ёки 4 киши бўлиши лозим. Бўлмаса у соат ололмайди. Тўгаракларда эса бир домлага биргина тилни севиб ўрганаман, деган талаба тўғри келиши мумкин. Борингки, шу ҳол қайд этилганда ҳам ўқитувчининг на иш соатлари, на ойлик иш ҳақи қисқармаслиги керак. 10—15 та ярим чаласавод тил билағонни тайёрлагандан кўра, биргина баркамол мутахассисни тайёрлаш кўпроқ фойда келтиради, охир оқибатда.

Талабаларимизнинг дунё тилларини тезроқ ўрганишлари, уларнинг дунёқарашларини ўстириш, жумҳуриятимиз ёшларининг хорижда, иттифоқимизнинг турли илмий мактабларида таҳсил кўришларини мувофиқлаштириш борасида қуйидаги айрим мулоҳазаларни ўртага ташламоқчиман: биринчидан, таклиф қилинаётган олий ўқув юртлари қошида ташкил этажак тўгаракларга, махсус курсларга қатнашиш учун ҳар бир талаба, ўқув юртининг кассасига тахминан йилига 80 сўмдан пул тўласин. (бу ойига 80 сўм тўлаб, кооперативда ўқишдан анча арзон) Талаба бир йил ёки ўзи истаган вақт ичида бирон бир тилда бемалол суҳбатлаша бошлагандан сўнг, жамоатчилик асосида иш олиб борувчи, малакали домлалардан тузилган махсус комиссия уни икки нарсага таклиф этиш ҳуқуқига эга бўлсин: олаётган стипендия миқдорини 25 фоизга ошириш ва агар у шундай таклиф ва истак билдирса, чет мамлакатларга бориб ўқишини давом эттириш.

Иккинчидан, олий таълим нозирлигидаги мутасадди ўртоқлар матбуот саҳифаларида вақти-вақти билан чет мамлакатларда таҳсил кўриш учун талабаларимиз ва аспирантларимизга нечтадан ўрин келганлигини эълон қилиб боришсин. Масалан дейлик журналистика факультетига бир йилда сўнг АҚШ, Буюк Британия, Францияга биттадан жой келади, шу сабабдан конкурс эълон қилинади дейилса, нима деб ўйлайсиз, тўгаракларимизда қатнашувчиларнинг сони тўғридан юзтагача кўтарилмасмикин? Азалдан мусобақа тарзида ишни уюштириш яхши натижалар берган.

Учинчидан, мен олий ўқув юртларини битирувчиларга ҳозиргидаги оддий ва имтиёзли диплом беришни уч тоифага ўзгартиришни таклиф қиламан. Биринчи тоифадаги диплом ҳозирги оддий диплом бўлсин, иккинчи тоифадаги диплом барча фанлардан яхши ёки аъло ўқиган талабага берилсин, учинчи тоифадаги — яъни, қизил диплом барча фанлардан аъло кўрсаткичларга эга бўлиш билан биргаликда дунё тилларидан ҳеч бўлмаганда бирида бемалол суҳбатлаша оладиган, илмий маъруза қила оладиган талабага берилсин. Бу — бизнинг қизил диплом билан ўқишни тамомлаган талабамиз ҳақиқатан ҳам олий маълумотли мутахассис, деганидир.

Юқоридаги фикрлар билан танишган домлаларимиз, нозирликдаги ўртоқлар, қолаверса талабаларимиз маъқулланган айрим жиҳатларини, қўллаб-қувватлашлари, айримларига қарши чиқишлари мумкин. Мен муаллиф сифатида барча ҳақиқатни, олий таълим соҳасининг бир жиҳатини қайта қуриш борасидаги барча янгиликни айтдим дейишдан анча йироқман. Нима бўлган тақдирда ҳам маориф, олий таълим соҳасида қайта қуриш жуда секин кечмоқда. Шундай бир вақтда бундай янгиланиш жабҳаларига биз талабалар ўзимиз жон куйдиришимиз лозимга ўхшаб қолди. Фақатгина ҳар ким ўзи ҳаракат қилсагина ҳар марраларга етиши, чет тилини ҳам, математикани ҳам мукаммал ўрганиши муқаррар.

«Яхши ният — ярим давлат» деб бежиз айтишмайди. Келинг, ният қилаверайлик. Балки сиз ана шу «берк эшикни» биринчи бўлиб очувчи талабалардан бўлсангиз ажаб эмас.

Равшан АЛИМОВ.

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

2. УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН ЭДИЛАР...



САТТОР ЖАББОР

В. И. Ленин янги жамият қуриш жараёнида маданий-оқартиш ишларига ва фан-техника ютуқларини эгаллашга, айниқса чоризмнинг мустамлакаси бўлган Туркистон каби чекка ўлка халқлари ичидан миллий педагогик ва илмий кадрлар тайёрлаш зарурлигига алоҳида диққатни қаратган эди. Бундан руҳланган Бухоро Халқ Жумҳурияти ёшлари Москва, Ленинград, Қозон, Оренбург шаҳарларига, шунингдек, у даврда Оврўпада тараққий топган Германия сингари мамлакатларга юқори малакали агроном, муҳандис, кимёгар, муаллимлар тайёрлаш учун Солиҳ Муҳаммад, Сайдали Усмоний, Аҳмад Шукрий, Хайринисо Мажидхон қизи, Марям Жуманиёз қизи, Саида Шераҳмад қизи, жумладан, тошкентлик Саттор Жаббор ўғлини ҳам ўқишга юборадилар.

Бўлғуси ўзбек кимёгар олимларидан бири Саттор Жаббор 1905 йилда Тошкентда туғилиб, аввал эски мактабда, инқилобдан сўнг (1918 — 1921 йиллар) «Наъмуна» мактабида ўқийди. Саттор Жаббор 1921 йил шу мактабни муваффақиятли битириб, Навоий номли билим юртига ўқишга ўтган, кейинчалик бир группа ёшлар билан Бухоро Халқ Жумҳурияти томонидан Берлинга ўқишга юборилган. Дастлаб «хусусий ўқиб» имтиҳон топширгач, 1924 йилда Ҳайделбергга кетиб, у ерда Обер имтиҳонини бергач, дорилфунуннинг кимё шўъбасига киради» (Олимжон Идрис. Германиядаги Ўзбекистон шогирдлари, «Фарғона» рўзномаси, 1926 йил 22 март). Унинг ўзи ҳам кейинчалик бу ҳақда тўхталиб, Германияга борганларидан кейин уларни немислар яхши кутиб олганликлари, у ердаги таълим-тарбия системасидаги мукаммалликлар, бунинг Туркистон талабаларининг истиқболи учун муҳим аҳамиятлари ҳақида фахрланиб ёзади.

Шундан кейин Саттор Жаббор 1930 йилгача Берлин дорилфунуни фалсафа факультети қошидаги кимё бўлимида ўқийди. Берлин дорилфунуни ҳисобидан Александр Гумбольд стипендиати сифатида профессор Макс Боденштейн раҳбарлиги остида докторлик диссертацияси устида илмий иш олиб борди. 1931 йилда Ўзбекистонга қайтиб, Ўрта Осиё Давлат Медецина институтида биохимия кафедраси (1932 — 1934), кейинчалик (1935 — 1937 йил бошларигача) ноорганик кимё кафедрасининг мудири, Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Халқ Комиссарлиги коллегияси аъзоси, ЎзССР Маориф Комиссариати қошидаги Илмий кенгаш аъзоси вазифаларида ишлайди. Тошкент Давлат Медицина институти ноорганик кафедраси мудири Маърфуахон Алавиянинг ёзишича, Саттор Жабборга ўша йиллари «кўп йиллик илмий ишлари мажмуаси учун» химия фанлари номзоди илмий унвони берилган. Унинг асосий илмий йўналиши «кинетик хилма-хил кимёвий хоссаларнинг ташкил топиши»ни тадқиқ қилиш бўлган. Олимнинг 20 дан ортиқ илмий иши мавжуд бўлиб, немис тилидаги кимё дарсликларининг ўзбек тилига таржималари, шунингдек, «Русча — ўзбекча» ва «Немисча-русча-ўзбекча кимё терминлари» каби китоблар бўлган. Мамлакатимизда, шу жумладан, Ўзбекистонда кўплаб кимёгар ва тиббиёт олимлари етиштирган жаҳонга машҳур ленинградлик марҳум академик Александр Абрамович Гринбергнинг 1935 — 1936 йилларда Саттор Жаббор билан шахсий суҳбатлари ва илмий мақолаларини ўқиб, унга берган тақриз баҳолари характерлидир. М. Алавиянинг эслашича, Александр Абрамович Гринберг ўша йиллардаёқ Саттор Жаббор илмий қобилиятига юксак баҳо бериб, Германияда ўқиб келган олимлар ичида кимёгарлардан Ўзбекистонлик Саттор Жаббор ўзининг илмий фикрининг кенглиги, қилган ишлари ва тилларни мукаммал билиши билан менда алоҳида меҳр ва муҳаббат уйғотди, — деб ёзган эди. Айниқса Саттор Жабборнинг 30 йилларнинг бошларида Ф. Энгельснинг «Табиат диалектикаси» асарини немис тилидан ўзбек тилига таржима қилиши ўша йиллари Германияда фашизм ҳокимият тепасига чиқиб, марксистик китоблар ва уларнинг тарғиботчиларини таъқиб остига олаётган бир пайтда муҳим ғоявий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлди.

ЎзССР Фанлар академиясининг академиги, Ленин мукофоти лауреати Ёлқин Тўрақуловнинг хотирлашича, Ўзбекистоннинг бир қатор тиббий ва кимёгар олимлари — Эргаш Отахонов, Собир Шамсиев ва шахсан ўзлари 30 йилларнинг бошларида ТошМИда, биринчи курснинг дастлабки семестрида ноорганик кимё дарсини илк бор ўзбек тилида Саттор Жаббордан эшитганлар. Ўша даврда ноорганик кимё кафедрасининг мудири Германиядан таклиф қилинган профессор Р. Энглянд бўлиб (1927 — 1932), у Саттор Жаббор билан Германиядаги «Мерк» фирмасидан кўплаб янги замонавий кимё лабораторияси аппаратларини олиб келишган эдилар. Маҳаллий кимёгар кадрлар тайёрлашга эҳтиёж ва ғамхўрлик кучли бўлгани сабабли улар умидли ёшларни кафедрага тортишга тиришардилар. «Айниқса, Саттор Жаббор, — деб хотирлайди Ёлқин ака, — мендан субаспирант тайёрлаш мақсадида кафедрасига тортиб, кимёвий тажрибалар ўтказишда бевосита қатнаштирарди.

Мен шу аснода баъзан Саттор Жабборнинг немисчадан ўзбекчага қилган айрим кимёвий китоблардан таржималари, мақолаларини кўчириб берар, ўзбекча лекцияларини русчага таржима қилиб берардим. Кейинчалик, айрим дарс лекцияларини ҳам ўқишга бера бошлади. Аста-секин мен уларнинг оилавий шогирдига айлана бошладим. У Оврўпанинг илғор таълимини кўрган юқори малакали ва маданиятли ҳақиқий педагог олим эди. Дарсларни ўзбек тилида ниҳоятда чиройли, равон ўқирди, у ўша даврнинг етакчи олим ва ёзувчилари Отажон Ҳошимов, Санжар Сиддиқов, Ойбек ва бошқалар билан яқин эди. Профессор А. С. Волинский, Ойбекнинг рафиқаси, марҳум кимёгар олима Зарифа Саидносирова, Абдураҳим Шамсиев, Маҳмуд Ҳакимов ва бошқалар ҳам ўша даврда Саттор Жаббор кафедрасида ишлардилар. Ойбек оиласи билан ТошМИ ўқитувчилари уйида Саттор Жаббор билан ёнма-ён қўшни эдилар. Саттор ака баъзан мени ўзлари билан ўзбек операларига ҳам олиб борардилар. Бир куни «чет элликлар билан савдо» магазинига бошлаб бориб, менга костюм олиб берганлари, ўшанда курсдошларим мени янги костюмда кўриб деворий газетага: Ёлқин Тўрақуловнинг тушига кирадиган асосий нарсалар — немис тили, француз романлари ва инглиз костюми, деб ҳазил ёзганлари ҳали ҳам бугунгидай эсимда. Умуман олганда, Саттор Жаббор ўша даврда Маҳмуд Ҳакимов, Абдураҳим Шамсиев ва бошқа айрим кимёгар ўзбек олимларининг дастлабки сардорлари бўлиб, биз ёшларнинг қалбимизга илк бор кимё илмининг ёрқин чироғини ёққан илм машъаллари эдилар».

Афсуски, шунга қарамасдан Германияда таълим олган дастлабки ўзбек кимёгар олимларидан бири Саттор Жаббор — 1937 йил бошларидаёқ «жосуслик»да айбланиб, қамоққа олинди ва шахсга сиғинишнинг бегуноҳ қурбони бўлди. Унинг рафиқаси, марҳум Маҳбуба Муҳамедованинг хотирлашича, «Саттор Жаббор 1937 йил январида қамалган. Кеч тунда уйларига уч киши келиб, тинтув ва сўроқлар қила бошлаганлар. Сўнг у олиб кетилиб, хат ёзиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 10 йилга қамоққа ҳукм этилган. Тошкент Тўқимачилик институтининг сўнгги курсида ўқиётган Маҳбубахон эса икки ўғли Орхан (1933 йил) ва Осхан (1935) билан қолиб, сал ўтмай болалари билан уйидан ҳам ҳайдаб чиқарилган ва институтдан ҳам қувғин қилинган. Тахтапулда қишлоқ ўқитувчиси бўлиб ишлаётган отаси Дадамат Нурмуҳамедов унинг жонига ора кириб, икки боласи билан кўчада қолган қизини хонадонида асрай бошлаган. Фақат ўша йиллари ЎзМКнинг котиби ўртоқ Ивановнинг шахсан аралашуви билангина Маҳбубахон ўқишга қайта тиклан-ган.

Ҳатто ёшликда уни «Намуна» мактабида таниган Ойбек каби атоқли адибларни ҳам Саттор Жабборга боғлаб миллатчиликда айблашга урина бошлаганлар. Бу айниқса, Ўзбекистон Совет ёзувчилари уюшмаси пленумининг 1937 йил 31 августида Берегин раислигида ўтган кечки мажлиснинг баёнида очиқ сезилади.

«Фатхуллин — Ойбекка: Саттор Жаббор билан бирга миллатчилик гаплари ҳам бўлар эди, дедингиз. Қанақа миллатчилик гаплар бўлар эди.

Ойбек: — Саттор Жаббор билан 21-йилларда техникумда бирга ўқиган эдик. У 21 — 22 йилларда Германияга кетди. 31-йилларда қайтиб келди. Бир ҳовлида турар эдик. Албатта гапиришасиз, ўлтиришасиз. Шунда Саттор Жаббор, айниқса, янги келган вақтда Совет ҳукуматидан норозилиги кучли эди. Германияда бунақа эмас. Бу ерда бунақа. Бу ерда навбат, институтларда тартиб ёмон. У ерда бундай эмас, — деб Совет ҳукуматининг камчиликларини қабартириб кўрсатишга тиришар эди. Биз ўйладик, у буржуазия мамлакатидан яқинда келди, шароитни тушунмайди, деб юрдик» (Цга ЎзССР, фонд. Р — 2356, оп — 1; д. 31 саҳифа 2).

Фақат партия XX съездидан кейингина 1937 —38 йиллардаги бедодликларни қайта кўриб чиқиш имконияти туғилди. 1957 йил октябрнинг бошларида Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи қурултойида, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев каби бир қатор партия ва давлат раҳбарлари, Абдулла Қодирий каби машҳур ёзувчиларни оқлаш масаласи қўйилгандан беш — олти кун ўтгач, ўша вақтда ЎзКП МКнинг биринчи котиби бўлиб ишлаб турган Н. А. Муҳиддиновга мурожаат қилган унинг оила аъзолари (рафиқаси Маҳбуба Муҳамедова ва ўғли Орхан Жаббор) Саттор Жабборни ҳам оқлаб беришни илтимос қилганлар. Н. А. Муҳиддинов бу ишни пайсалга солмай, ўша вақтдаёқ собиқ жумҳурият адлия нозири Хадича Сулаймонова, Давлат Хавфсизлик Қўмитасининг бошлиғи А. М. Бизов, ЎзССР прокурори Мурод Шералиевларга мазкур масалани ҳам ўрганиб чиқишни топширади.

Сўраб-суриштиришлар ва архив материалларини чуқур ўрганишлар ўз самарасини берди. Адолат тикланди ва ниҳоят 1959 йил 26 мартда Саттор Жаббор тамомила оқланди. Бу ҳақда СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1983 йил 14 декабрь Н — 4 — Н — 13699/57 рақамли такрорли маълумотномасида шундай дейилган: **«СССР Олий Суди пленуми томонидан 1959 йил 26 мартда Саттор Жабборовнинг айблов иши қайта кўриб чиқилди.**

Саттор Жабборовга нисбатан Ҳарбий коллегиянинг 1938 йил 9 октябрдаги ҳукми ва СССР Олий Суди пленумининг 1958 йил 21 майдаги қарори бекор қилинди ва жиноят составининг йўқлиги учун иш тўхтатилди. Саттор Жабборов мазкур иш юзасидан ўлимидан сўнг оқланди.

СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси секретариати бошлиғи ўринбосари адлия полковниги В. БУКИН».

Ҳақиқат оқибатда ғалаба қозонди. У эгилди, аммо синмади. Лекин шунга қарамасдан Германияда ўқиб келган дастлабки ўзбек кимёгар олимларидан Саттор Жаббор кабиларнинг бошлаган хайрли илмий ишлари, ёзган китоблари ва таржималари, мақолалари тақдири нима бўлди? Уларнинг оила аъзолари, умр йўлдоши — Маҳбуба Муҳамедова, фарзандлари Дилбархон ва Илҳомбек, Орхан ва Осханлар қандай руҳий ва иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечирмадилар дейсиз? Уларнинг бошига тушган азоб-уқубатлар, кулфатларнинг асосий айбдорлари, ғайри-қонуний иш кўрган сталинчи бебош тергов органларининг ходимлари қани? Шукурлар бўлсинки, бедодликларнинг пайи партия XX съездидан кейин қирқила бошлади. Партия XXVII съедида эса 30 — 40 йилларда бегуноҳ қатағон қилинганларни халққа қайтариш учун катта турткн бўлди. Ҳозир Саттор Жабборнинг таржимаи ҳоли, таржималари ҳақида айрим мақолалар эълон қилинди. Мероси ўрганилиб, тўпланмоқда. Унинг қизи Дилбархон Нурмуҳамедова, қуёви Қутбиддин Нурмуҳамедов врачлик касбини эгаллагач, 1962 йилдан то 1970 йилгача оталари ўқиган немислар юртида ҳарбий врач вазифасида ишлаб қайтдилар. Ҳозир улар шу соҳада ҳалол хизмат қилмоқдалар. Ўғли Орхан Жаббор ЎзССР Фанлар академияси механика институтининг катта илмий ходими. Осхан Саттор Тошкент политехника институти архитектура факультетининг доценти, келини (Орхан Жабборнинг рафиқаси) Мухбира Жаббор эса Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти немис тили кафедраси ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Улар оталарининг шонли илмий-педагогик анъаналарини давом эттирмоқдалар.

Шерали ТУРДИЕВ,
филология фанлари номзоди.

Хориждан хабарлар

ФРАНЦИЯДА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ РЕКЛАМА ҚИЛИШНИ МАН ЭТИШ ЭҲТИМОЛИ БОР

ПАРИЖ, (ТАСС). Бирдамлик, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министри Клод Эвэн Министрлар Советига тақдим этган ҳужжатда тамаки маҳсулотларининг ҳар қандай турларини реклама қилиш ман этилган. Зарур тадбирларни секин-аста амалга ошириш учун уч йил муддат кўзда тутилган.

Ҳукумат расмий вакилининг хабар қилишича, мазкур қонун лойиҳаси парламентнинг баҳорги сессиясида кўриб чиқиш учун қўйилади. Бундан ташқари, келаси йил бошидан сигареталар нархини 15 фоиз ошириш мўлжалланмоқда.

Ҳукумат шунингдек, меҳнат шартномалари тузилаётган вақтда иш ҳақи даражасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган истеъмол молларининг нархлари ҳисоб-китоб қилинганида, тамаки маҳсулотларининг нархларини ҳисобга олмаслик тўғрисида касаба союзлари билан музокаралар бошлаш ниятидадир.

Телетайп лентасидан

БЕЛГРАД. Бу ерда Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитетининг амалий маслаҳатлашув мажлиси бўлиб ўтди. Унинг кун тартибига битта масала — партиянинг январь ойи охирида Словения делегацияси анжумандан кетиб қолиши натижасида ўз ишини тўхтатиб қўйган XIV (фавқулодда) съездини давом эттириш эҳтимоли масаласи қўйилган эди.

Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети Президиумининг Раиси Милан Панчевский асосий доклад қилди. Партиядаги танглик, деди у, жуда чуқур илдиз отди. Бу, жамиятда тўпланиб қолган муаммолар оқибатидир. XIV съезд тўхтаб қолиши туфайли мамлакатдаги вазият ёмонлашди, бу аввало миллатчи кучларнинг сиёсий саҳнадаги агрессия ҳаракатларида, республикалараро муносабатларнинг ўткирлашишида намоён бўлмоқда. Вужудга келган вазият муносабати билан, деб таъкидлади нотиқ, Югославия Коммунистлар Союзининг янги съездини чақириш керак, бундай қилиш XIV (фавқулодда) съездни давом эттириш зарурати инкор этмайди. Агар биз уни охирига етказишни кечиктирадиган бўлсак, бу партия аъзоларига ёмон таъсир қилибгина қолмай, шу билан бирга эришилган барча нарсаларни сиёсий инкор этиш учун йўл очиб беради.

Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети мажлисининг иштирокчилари коммунистларга, партия ташкилотларига ва XIV (фавқулодда) съезд делегатларига мактуб билан мурожаат қилдилар. Унда апрель ойининг охирларида давом эттириш мўлжалланаётган съезд тўғрисида фикр билдиришга даъват баён этилган.

ВАРШАВА. Польша Республикасининг Президенти Войцех Ярузельский Польшага расмий ташриф билан келган Испания ташқи ишлар министри Фернандес Ордоньесни қабул қилди.

ПАП агентлигининг хабар қилишича, суҳбат чоғида Президент Испаниянинг бу мамлакат Европа иқтисодий ҳамжамиятига ва интеграция тусидаги бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши билан боғлиқ тажрибаси билан қизиқди.

Войцех Ярузельский Польша Умумевропа интеграция жараёнига катта аҳамият бераётганлигини таъкидлаб, унинг мамлакати нуқтаи назарига кўра, икки туб муаммо — Германияни бирлаштириш билан Европани бирлаштириш жараёнини қитъадаги хавфсизлик муаммоларини албатта ҳисобга олиб уйғунлаштириш ва Польшанинг ғарбий чегараси масаласи ҳамда унинг мустаҳкамлиги ва бузилмаслигини бир хилда ва аниқ тасдиқлаш ҳамда бунга кафолат бериш зарурияти кечиктирмай ҳал этишни талаб қилаётган муаммолар эканини уқтирди.

СОФИЯ. Болгариядаги энг оммавий ижтимоий-сиёсий ташкилотни тубдан янгилаш йўллари БХР Ватан фронтининг XI навбатдан ташқари съезди иштирокчилари диққат марказида турибди. Анжуман ишида қарийб 1300 делегат қатнашмоқда.

Ватан фронти ўзи мустақил бўлмай қолган, жамиятдаги обрўси ва таъсирини йўқота бошлаган тоталитар режим йилларида шаклланган тасаввурлар ва ҳаракатлардан қатъий воз кечиши лозим, деди съездда сўзга чиққан Ватан фронти миллий кенгашининг раиси Гиньо Ганаев. (ТАСС).



Чехословакия ҳукумати кейинги пайтда диний черковларга катта эътибор бера бошлади. Маълумки, сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозир Чехословакияда 8 миллионга яқин динга ишонувчилар борлиги аниқланди. Шуларнинг беш миллиони католиклардир. Айниқса монастир ва диний черков мактабларининг ошиб бораётгани қувончлидир.

Суратда: Монахинья аёл кўнгилли равишда хаста гўдаклардан бирига ёрдам бераяпти.

(ТАСС сурати).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МИЛЛИОНЕР САНЪАТКОР

● 31 ЁШЛИ Майкл Джексон на фақат АҚШда балки жаҳонда энг бадавлат санъаткорлардан ҳисобланади. Джексон ўтган йили кўп даромад кўрган миллионерлар ўртасида биринчи ўринда туради — 65 миллион доллар (1989 йилга нисбатан 10 миллион доллар кўп). Режиссёр Стивен Спилберг иккинчи ўринда — 64 миллион доллар.

ТАКРОРИЙ НИКОҲ

● АМЕРИКАЛИК Билла ва Сьюзан Бейкерларнинг тўйи кутилмаган воқеаларга бойлиги билан «Гиннеснинг Рекордлар китоби»дан ўрин олса ажаб эмас. Аввалига, келин-куёвни никоҳдан ўтказувчи руҳоний автомобиль фалокати натижасида маросимни оҳ-воҳлаб зўрға ўтказди. Куёвнинг гувоҳлари негадир келишмаган бўлса, келин томондагилар бетўхтов аксиришарди. Бир вақт никоҳ торти келин-куёв оёғи остига тушиб, бўлиниб кетди. Маросимни суратга олган суратчи барча плёнкаларни куйдириб юборди. Хуллас, келин-куёв бир ойдан кейин қайта никоҳдан ўтишди.

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

● ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Цюрих шаҳрида яшовчи Доди Белли исмли қиз ёшлигидан никоҳ куни антиқа кўйлак кийиб ҳаммани лол қолдиришни орзу қиларди. Йиллар ўтди. Ниҳоят, тўй куни ҳам етиб келди, энди Доди ёшлигидаги орзусини рўёбга чиқаришга киришди. Келин учун буюрилган кўйлакнинг узунлиги 55 метр эди! Келинга бу ҳам етмаганидек никоҳ маросимига куёв билан ҳаво шарида келишди. Уларнинг орқасида келиннинг 20 дугонаси кўйлагини ушлаб юришарди.

Армиядаги аҳвол, аскар йигитлар ҳаёти — куннинг оғриқ нуқталаридан бирига айланди. Мамлакатимизнинг турли бурчакларида содир бўлган миллий можаролар — «мустаҳкам ва енгилмас Совет Армиясида» қўзғалиш, силкиниш пайдо қилди. Афғон урушидан юрак олдириб қўйган бечора оналар ҳарбийдаги қора кўзлари йўлига умид билан тикилиб, яратганга илтижо қилишга ўтдилар. Юртга келган тўй эмас, фожиа аталадиган замонга қадам қўйдик. Миш-мишлар, шов-шувлар, турли-туман гап-сўзлар юракларга қўрқув сола бошлади. Айнан бир йил муқаддам — 1989 йилнинг 15 февралида Афғонистондаги мақсадсиз уруш барҳам топган кундан бери «қора қути» кўтарган ҳарбийлар бемаврид эшикларни қоқиши ўтмишга айланганига қувонган эдик. Афсус, яна ва яна алпқомат йигитларни умид билан чиқиб кетган остонага ўз оёқлари эмас, сафдошлари эгни бош билан кўтариб кела бошлашди...

Ҳарбийдаги ўғлонлари учун ота-оналарнинг ташвиш чекаётганлари, қайғуришаётгани, устига-устак айрим аскарларнинг ўз қисмларини ташлаб қочишаётгани — факт. Бизнинг вазифамиз умидвор кўзларга нур, миш-мишдан титроққа йўлиққан юракларга мадад бериш, барча миллат вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, байналмилалчилик ғояларини тарғиб топтириш, Ватаним асраш, қайта қуриш сиёсатини ғалабага қадар давом эттириш.

Яқинда Хоразм вилоят комсомол қўмитасининг каттагина делегацияси Белоруссия ҳарбий мавзесида бўлиб қайтди. Улар орасида мухбиримиз ҳам бор эди.

МЕНИ КУТГИЛ...

«САЛОМ, ЮРТДОШЛАР!»

...Жангчилар ва сипоҳилар саф тортишган. Қоматлар таранг, кайфиятлар байрамона, нигоҳлар кескир. Кутишмоқда. Ҳар дақиқада команда берилиши мумкин. Буни армия дейдилар.

Қисм командири, гвардиячи полковник минбарга кўтарилади, СССР Мудофаа Нозирининг Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флоти байрами шарафига эълон қилган буйруғини ўқиб беради. Ҳаммани қутлайди. Кейин минбарга қора сочли, қора кўзли Ўрта осиёлик кўтарилади. Табрик навбати унга берилган. У метиндек қотган сафларга назар ташлайди ва «Салом жангчилар!» дейди... Бир дақиқа. Икки дақиқа ва кўп кишилик саф жунбушга келади. Ҳарбийча алик олинади. Дарвоқе, полкда атиги бир неча нафар ўзбек йигити бор. Лекин, ўзбек тилида айтилган саломга дарров калом қайтарилиши... Бу ерда тилмочлик шарт эмас, айтилган сўзлар мазмунини юраклар сезган....

Белоруссия ҳарбий мавзеси тасарруфида бўлган дивизия полклари билан танишувимиз шундай — ҳарбийчасига саломаликдан бошланди. Бу ерга байрам арафасида келдик. 23 февраль эрталабдан барча полкларга бўлиниб кетдик. Жангчи ва сипоҳиларни байрамлари билан қутлаш, вилоят комсомол қўмитаси, ҳарбий комиссариати ва байналмилал — жангчилар кенгаши томонидан тайёрланган хоразмлик йигитларга мурожаатни ўқиб, юртимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида қисқача ахборот беришимиз керак эди. Бу янгиликларнинг энг каттаси — 21 март куни «Наврўз» умумхалқ байрами деб эълон қилингани, мусулмон тақвими бўйича янги йил кириши нишонланиши илк бор дам олиш куни қилингани эди.

Дивизия 1940 йилнинг 8 июлида Орёл вилоятида ташкил этилган. Дивизия ўзининг шонли ҳарбий фаолиятида катта шон-шуҳратларга беланган. Фақатгина Днепр дарёсини кечиб ўтишда унинг 35 жангчиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида дивизиянинг жами 69 нафар жангчиси Ватаннинг шундай улуғ унвонига муносиб кўрилган.

Ҳозирда бу дивизия Белоруссия ҳарбий мавзесидаги кўзга кўринган қисмларидан бири — ўқув маркази саналади. Ҳарбийга чақирилган ёшлар бу ерда ярим йил хизмат қилишиб, ҳарбий аслаҳа-ускуналарни пухта ўзлаштирадилар, сир-синоатларини мукаммал эгаллаб, кейин бошқа қисмларга юбориладилар.

Байрам куни биз бир қатор полкларда бўлиб, у ерда хизмат қилаётган юртдошларимиз билан учрашдик, «давра суҳбат»лари ўтказдик. Уларнинг яшаш шароитлари, хизмат фаолиятлари, камчилик-муаммолари билан қизиқдик. Суҳбатлар дилдан, самимий кўчди. Ҳозир дивизияда 40дан ошиқ миллат вакиллари хизмат қилаётган бўлсада, полк ва батальонларда дўстона аскар оилалари вужудга келгани, бир-бировни миллатига, хизмат муддатига қараб камситиш, ғурурига тегиш деярли йўқлиги кўнглимизни кўтарди. Турли миллат вакиллари билан лиқ тўла томошахоналарда вилоят комсомол қўмитаси қошидаги «Ёшлик» ташвиқот бригадаси аъзолари, хушовоз хонанда Абдулла Тиллаев бошлиқ санъаткорларнинг чиқишлари яхши кутиб олинди. Тинимсиз қарсаклар уларни саҳнадан қўйиб юбормас, ўйноқи куй-қўшиққа даъват этишарди. Хоразм «Лазгиси»га ўйнамаган йигит қолмади, ҳисоб...

ПАЛОВ ТЕВАРАГИДАГИ СУҲБАТ

Вақтимиз ўлчанган, ҳисобли. Олдинда навбатдаги қисмлар, навбатдаги учрашувлар, байрам концертлари турарди. Шуни эътибордан қочирмаган ҳолда ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга интилдик.

Юртдошларимизга қуруқ табрик сўзлари, эсдалик совғаларидан ташқари эл-юртнинг ширин-шакар қовунлари, мева-чеваларидан ҳам олибборгандик. Айниқса, палов масаллиғини айтинг. Бунинг устига қисмларнинг кутубхоналари учун ўзбекча адабиётлар, вақтли нашрлар, миллий мусиқа асбоблари ҳам етарлича олинган. Рубоб, доира топширилганда азалдан санъаткор ўтган элнинг куй-қўшиққа ўч ўғлонлари кўзларида қувонч ифодалари ўйнаб, шу ердаёқ, бири қўйиб, бири олиб куйлашга тушиб кетдилар.

Дивизияда хизмат қилаётган барча ўзбек йигитлари ва бошқа миллат вакилларини йиғиб, палов тортилган тўкин дастурхон устидаги суҳбатимиз эсдан чиқмайдиган бўлди. Вилоят телевидениеси «Ёшлик» кўрсатуви муҳаррири Бекпошша Хўжаева ва тасвирчи-журналист Ҳамидий сафар олдидан вилоятнинг бир қатор ноҳияларида бўлиб, ўғиллари шу қисмларда хизмат қилаётган ота-оналарнинг дил сўзларини видео тасвирга туширишган, уларнинг «тирик» саломларини олиб келишганди. Мана видеотасвирда хонқалик Қаррибой Бекметов ўз ўғли Шокирга насиҳат қилмоқда: «Қаердаки бўлсин, соғ-омон бўлинглар, катталарнинг сўзларига қулоқ осиб, ўзаро дўст-биродар яшанглар. Ишқилиб бахтимизга соғ бориб, омон қайтинглар...» Бу сўзлардан сўнг биргина оддий аскар Шокирнинг эмас, ҳамма йигитларнинг кўзларида ёш айланди. Кейин уларнинг табриклари шу ердаёқ ёзиб олинади. Унинг бир қисми вилоят ойнаи жаҳони орқали, баъзилари аскар йигитларнинг хонадонига бориб, яқинлари даврасида кўрсатиб берилади.

Тўкин дастурхон устида айрим аскарлар дил сўзларини қоғозга туширдим.

Ихтиёр Каримов — сержант, Қашқадарё вилоятидан: «Бир ярим йил бўлди, шу ерда хизмат қилаяпман. Аслида ўқишдан сўнг бошқа қисмга кетишим керак эди, лекин навбатдаги чақирувда Ўзбекистондан йигитлар кўпроқ келади, деб мени шу ерда олиб қолишди. Ҳамюртларимга ҳарбий хизматга ўрганиш, тартиб-қоидани ўзлаштириб олишда ёрдам бераяпман. Хоразмлик йигитларнинг тартиб-интизомли, одобли экани, буни сипоҳилар тан олишаётгани — мени қувонтиради...»

Юрий ва Александр Шляповлар: — (Бу эгизак йигитлар Хонқа шаҳридан хизматга чақирилган) — «Ўзбек болалари билан ўйнаб ўсганмиз. Бу ерда ҳам ҳамма миллат вакиллари бир бўлиб, дўстона яшаяпмиз. Делегация таркибида опамиз Ирина келибди. Қувондик. Юртимиз нафасини олиб келгандек бўлдингизлар....».

Равшан Ибодуллаев — оддий аскар: «Мен Боғот ноҳиясидан хизматга чақирилдим. Бобом Раҳматулла Ибодуллаев Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Белоруссия ҳудудида жанг қилган. У ўз хотираларини сўзлаб берар, юрт бошига ташвиш тушганда ҳамма миллат вакиллари бир оға-инилардек фашизмга қарши курашга жипсланганларини такрор-такрор айтарди. Унинг ўгитлари қулоғим остида. Хизматда шунга амал қилаяпман. Бобомнинг делегация таркибида невараси ёнига қора тортиб келгани кўнглимни кўтариб юборди...»

«Дам соз, дам суҳбат» деганларидек, дил сўзлари қўшиққа, жозибали рақсга, шеърга уланиб кетди. Абдулла Тиллаев янги қўшиқлар ижро этди, вилоят педагогика институти талабаси Мадина Юсупова халқ термаларини айтди, раққоса Насиба Мадраҳимова ўйинга тушди. Хивалик шоир Зафарий шеърлар ўқиб берди. Эътиборли томони—иқтидорли бу инсон бир эмас олти тилда — ўзбек, тожик, туркман, озарбайжон, қозоқ, рус тилларида дил сўзларини баён этди.

ХАТИН ХОТИРАСИ

Маълумки, Белоруссия урушда энг кўп жафо чеккан юрт. Қирғинбарот жанглар, эсдан оғдирадиган ваҳшийона воқеалар қурбонларига ўрнатилган тўққиз минг ёдгорлик бор. Дивизия раҳбарияти бизни — делегация аъзоларини ва қисмда хизмат қилаётган ўзбек аскарларини ана шулардан энг эътиборли, жаҳонга танилган гўшаларга зиёратга олиб борди.

Минск — Москва катта тош йўлининг 21-чақиримида жойлашган, узоқ-узоқлардан кўзга ташланадиган «Шон-шараф қўрғони», белорусь партизанлари шарафига ўрнатилган лавҳалар, Жодино шаҳрида беш нафар уруш қаҳрамони бўлган, марҳум жангчилар онаси—Анастасия Куприянова шарафига ўрнатилган ҳайкал... Ёвуз уруш беш нафар алпқомат жигарбандини қора тупроққа айлантирган, шундаям ер юзида 108 йил яшаб, бир умр урушни қарғаб ўтган онаизор сиймоси олдида бир дақиқа сукут сақлаш, унинг пойига анвойи гуллар қўйиш тинчликсевар ҳар жонга-бурч. Зотан, келажагимиз тинч-омон бўлиши бизнинг — бугунги авлодларнинг кечаги тарихимизга теран кўз билан, ҳурмат-эҳтиром билан боқа олишимизга боғлиқ. Ёшларни шу руҳда тарбиялашимизга кўп томондан даҳлдор. Бўлмаса... Бўлмаса эртага қай бир тўпроқда, қай бир жаннатмакон гўшада Хатин қишлоғи фожиаси такрорланиши ҳеч гапмас.

Хатин... Сарвқомат қайинзорлар орасида жойлашган жаннатмакон гўша эди у. Одамлари меҳнаткаш, йигитлари жасур, қизлари гўзал. Юз йиллар авлоддан-авлодга энг азиз, умуминсоний қадриятлар ўтиб, тинчгина, омонгина яшаб келишганди. Қайғуни ҳам, байрамни ҳам бирга тортишган, бирга нишонлашган. 26 ёғоч уйда яшаб, бир-бирларига қуда-анда бўлган кишиларнинг тақдири бир кунда, бир саройда якун топиб, бир сиқим кулга айланишини ким билибди?!!

1943 йилнинг 22 март куни оберштурмбанфюрер Оскар Дервилангер бошлиқ эсэсчилар қишлоққа кириб келишди, Барче 149 нафар тирик жонни саройга қамаб, ўт қўйишди. Уларнинг 75 нафари болалар эдилар...

Фақат бир киши — Иосиф Каменский тасодифан жаҳаннам оловидан тирик қолди. Балки, жаҳон тарихидаги кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу ёвузликни инсонларга сўзлаб бериши учун табиат бир гувоҳни омон қолдиришни маъқул кўргандир...

Фашистлар белорусь тупроғидан 186 қишлоқни бутун борлиғи билан, тамомила йўқ қилиб ташлашди. Хатинда бутун ана шу қишлоқларнинг қабристони жойлашган. Бу ҳали ҳолва! Фашистлар Белоруссиянинг 209 шаҳри, 9200 қишлоғини вайрон қилишган, 2 миллион 230 минг нафар ўғил-қизларини йўқ қилишган. Уруш бу жафокаш тупроқнинг ҳар тўртдан бир фарзандини йўқликка олиб кетган...

Хатин — бугун фақатгина номи қолган қишлоқнинг 26 кулбаси тепасига ўрнатилган хотира лавҳаси эмас. У бутун жумҳурият бошидан кечирган фожиали, аянчли кунларнинг аччиқ хотираси.

Александр ва Александра Новицкийларнинг етти нафар фарзанди ота-онаси билан бирга саройда кулга айланади... Леня — 15, Женя — 13, Маня — 11, Аня — 9, Костя —5, Антось — 4, Миша — 2 ёшда эдилар...

Ўтда ёнган фарзандини кўтарганча, мангу хотирага айланиб қолган Иосиф Каменский ҳайкали ёнгинасида, унинг кулбаси ўрнида совуқ бетон ёдгорлик. Кўкка ўрлаган устун. Бундай устунлар 26 та. Ҳар бирисига қўнғироқ осилган. Қўнғироқлар ҳар дақиқада бонг уради. Мунгли, қаҳрли бонг. Гўё, ўтмишдан огоҳ этиб, келажакка ўйланиб қадам босишга даъват этаётгандай...

Хатин қишлоғи ўрнида очилган хотирагоҳни ўтган йигирма йил давомида 26 миллион киши келиб кўрган. Йилига бу ерга миллиондан ошиқ одам келади.


Биз шанба куни хотирагоҳда бўлдик. Бир соатлик зиёратдан эсда қолгани. Бетон устунлар. Қўнғироқларнинг тинимсиз бонг уриши, қотиб қолган чол ҳайкали. Сукунат, гуллар, кўз ёшлари...

Юртдошларимиз — аскар йигитлар ёдгорликларга гул қўйишади, кўзларидаги ёшларни тийиб туришади, тинчлик иши учун хизмат қилишаётганини яна бир карра туйишади. Бу сафар қатъий, ишончли.

Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 45 йиллиги нишонланадиган йил бошида қонли урушнинг энг фожиали саҳифаларидан бири бўлган Хатин қишлоғида аскар йигитлар билан бирга зиёратда бўлишимизнинг рамзий белгиси бор...









МАЙОР ДОРОЖНИНГ ҲАСРАТЛАРИ

...Байрамдан кейин делегациямиз бир неча гуруҳга бўлиниб, Брянск ва бошқа шаҳарлардаги юртдошларимиз хизмат қилаётган ҳарбий қисмларга жўнашди. Вилоят байналмилалчи — жанчилар кенгашининг раиси Саъдулла Абдуллаев билан биз Гомель шаҳрига бордик. Шаҳарда жойлашган ҳарбий қисмда юздан ошиқ хоразмлик йигитлар хизмат қилаётганини айтишганди. Ҳамроҳимиз гурланлик дурадгор Йўлдош ака ўғли Матёқуб хизмат қилаётган қисм дарвозаси олдига келганда қувонч ёшларини тута олмади... Урганчдан жўнаш чоғимизда вилоят марказида истиқомат қилувчи Ўғилжон опа Рўзиматова ўғли Мадраҳимга бериб қўйинглар, деб рубоб тутқазган экан. Мадраҳим рубобни олиши билан бизни унутди...

Н-қисм майори В. Л. Дорож билан узоқ суҳбатлашдик. Аскарлар яшайдиган хоналарни, овқатланадиган ошхонани, спорт билан шуғулланадиган майдончаларни кўздан кечирдик. Раҳматимиздан кўра эътирозимиз кўпроқ бўлди. Шунда майор Дорож ўз дардларини тўкиб солди: «Мана сизлар аввалги ҳарбий қисмда кўриб келганингиз билан бу ердагиларни қиёсан солиштириб, бутун айбни бизга ағдармоқчисизлар. Тўғри, у ерда ҳамма шароит бор, етарли. Чунки бу қисм бутун ҳарбий мавзенинг энг намунавий қисми саналади. СССР Қуролли Кучларида Кантемир дивизияси жаннатмакон бўлгани каби. Бизда сал бошқачароқ. Нимасини айтай?

Авваламбор, жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоий тенгсизликни йўқотишимиз керак. Қисмимиз қиш ойларида шу ерда тайёргарликдан ўтгани билан баҳор, ёз, куз ойлари бошқа вилоятга бориб, асосан савдо, умумий овқатланиш шахобчалари қуриш билан шуғулланади. Армияда кимга қийин, қурилиш қисмларига. Ҳам керагича ишлайди, азобни тортади, шунга яраша яшаса, иззат-ҳурмат кўрса экан? Аскарларнинг эмас, сипоҳиларнинг аҳволига бир қаранг. 35 ёшдаман. 15 яшар ўғлим, 11 яшар қизим ва хотиним бир хонали уйда яшаймиз. Махсус ҳарбий шаҳарчалардаги қулай шароитни айтиб ўтирмай. У бизнинг тушимизга ҳам кирмайди. Шаҳар Советига депутатликка номзодман. Беш нафар муқобил номзодмиз. Шундан уччаламиз ҳарбий, икки киши шаҳар фуқароларидан. Агар, депутат бўлиб сайлансам, ҳарбий қисмимиздаги сипоҳилар, оддий аскарлар аҳволи, шароити тўғрисидаги масалаларни ўртага ташлаш ниятим бор.

Ҳарбий комиссариатдагилар чақирилувчи ўсмир сал нимжон, касалманд бўлса, «қурилишга бўлаверади,» деб бизга ўхшаган қисмларга жўнатишни одат қилиб олишган. Мана, масалан, кузги чақирувда бизга хизматга келган ҳамюртларингиз орасида касалманд болалар кўпчилик. Икки — уч марта сариқ билан оғриганлар ҳам, сурункали ревматизм, турли шамоллашлар билан мунтазам оғриганларни ҳам жўнатишган. Мен айтсам, ишонмаслигингиз мумкин, бўйи 148 сантиметр, оғирлиги 45 килограмм бўлган йигит бор. Қанақасига у жангчи бўлиши мумкин?!

Бир сизларни айтаётганимиз йўқ. Озар йигити келди. Туғма юрак хасталиги билан оғриган. Дастлабки машқда йиқилиб қолганди, мана тўрт ойки Ленинградда, ҳарбий госпиталда ётибди. Ёки бир оёғи иккинчисидан қисқа бўлган аскарни айтай...

Бизга сон эмас, сифат керак. У ёқда ҳарбий комиссариатда ўтирган ҳамкасбларимиз, тиббий кўрикдан ўтказган ўртоқлар жиддийроқ ўйлаб кўришса бўлишармиди?

Ошхонадаги овқат сифатидан аскарлар нолишади. Ўзингиз ҳам кўриб, ҳафсалангиз пир бўлди. Сездим. Биз нима қилайлик. Ёрдамчи хўжалигимизда озроқ чорвамиз бор. Шу ҳисобга ҳар куни аскар бошига 25 граммдан гўшт бериш имконимиз бор. Овқат сифати, қуввати борасида ўзгариш қилишга ожизмиз. Юқоридан белгиланган ўлчам бор. Ҳар икки-уч йилдан озроқ қўшимча билан тўлдириб борадилар. Масалан, олдинлар фақат эрталаб сариёғ берилларди, ҳозир кечқурун ҳам бериладиган бўлди...

Армияда қайта қуриш секин кетаяпти, деганлари тўғри.

Шунақа гаплар. Муаммоларни айтадиган бўлсак, ҳамма ерда етарлича бор. Мамалакат иқтисодий қолоқликни бошдан кечираётган пайтда гиналарни йиғиштириб, аҳволни биргаликда тузатишга уринайлик...»

Майорнинг гапларида ҳақиқат бор. Брянск шаҳридаги ҳарбий қисмда бўлиб қайтган вилоят комсомол қўмитаси ҳарбий-ватанпарварлик бўлими мудири Улуғбек Исмоилов бизни ўртаган муаммоларни янада тўлдирди. Унинг ҳикоя қилишича, бу қисмда кўриш қобилияти — 5,5 бўлган хонқалик, ҳар иккала қулоғи эшитмайдиган урганчлик йигитлар «хизмат қилишаётган» эканлар.

Гомелдан қайтиб келгач, байрамона кайфиятимиз тарқади, узоқ 1975 — 77 йиллар Москва яқинида қурувчи қисмида хизмат қилганимиз эсимизга тушди. Ўшандаги аҳвол ўтган салкам уч беш йилликда ижобий томонга зарра ўзгармаган. Қайта қуриш эса...

ҚАЙТИШДАН ОЛДИН...

Ҳамюртларимизнинг таклиф-истакларини қоғозга туширдик. Мана улардан айримлари:

«Қисм кутубхоналарида ўзбекча адабиётлар йўқ ҳисоби. Ўзбекча газета — журналларга обуна масаласи чатоқ. Юртимизда нима бўлаётганидан бехабармиз. Русчага унчалик «тишимиз ўтмаса...»

Ўқчи-пиёдалар полкининг дам олиш хонасида «Совет Ўзбекистони» рўзномаси тахламига кўзимиз тушди. 24 февраль куни газетанинг 16 февраль сони етиб келибди... Ёшларнинг нияти ёшлар газета-журналларига обуна бўлиш. Ҳеч бўлмаганда ҳар қисм ҳисобига биттадан «Ёш ленинчи», «Ёш куч», «Ёшлик» каби вақтли нашрлар юборилишига эришиш.

«Миллий мусиқа асбоблари йўқ. Кимдир уйидан олдиради. Кўпчиликка чидармиди. Ҳафтага етмайди. Пулимизга бўлсада, етказиб беришса, бу ўрмонларда ёввойилашиб кетмасимиздан бурун...»

«Шаҳарда хизмат қилганнинг билан икки йилда симли девордан нарини кўрмайсан. Дам олиш кунлари шаҳарга олиб чиқишларини орзу қиламиз».

Гомелдаги ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ўзбек йигитларини тўплаб суҳбатлашганда, шу масалада сўров ўтказдик. Мана натижаси. 76 нафар сўров ўтказилган аскардан ўз хизмат даврида тўрт нафари бир марта, бир нафари уч марта ва ўн икки нафари бир неча марта рухсат олиб шаҳарга чиқишган, холос. Унда ҳам уй билан телефонда гаплашиш ёки кимдир келиши сабабли. Ҳарбийда интизом — интизомдек бўлиши керак. Аммо, ҳарбийнинг қамоқхонадан фарқи ҳам бўлиши керакда...

Энди аскарларни уй томон билан боғлаб турадиган ёлғиз илинж кўприги — хат-хабар масаласида ҳам икки оғиз. Хоразмдан ёзилган хатнинг бориб келиши учун салкам ўн беш-йигирма кун кетади. Шу боисми, қайтар чоғимизда салкам бир қоп хат билан жўнатишди. Ҳафталаб хат олмагач, соғинасан. Кайфиятинг бўлмайди. Ишингда унум йўқ.

Қизиқ сўров ўтказдик. Аскарларга кимлар кўпроқ хат ёзишади. 82 нафар йигит савол-жавобимизда қатнашди. Маълум бўлишича улардан 16 нафари отасидан, 50 нафари онасидан доимий равишда хат олиб турар экан. Ака-укалари ва яқин дўстларидан хат оладиганлар барча. Аммо, севган қизларидан хат оладиганлари бор-йўғи 24 нафар...

Яна бир сўров натижаси. Бу энди комсомол ташкилотлари шаънига. Ўша йигитлардан «Кимлар комсомол аъзоси?» деган саволга 17 нафари қўл кўтарди холос. 15 нафарининг ҳисоб варақаси уйида қолган экан. Кўпчилиги партиясизлар...

Айтаверсак гап кўп. Тан олиш керак, вилоят комсомол қўмитаси жуда эзгу ишни амалга оширди. Эндиликда бундай ташрифлар доимий давом этиши режада бор. Ёки хоразмлик йигитлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмларнинг командирлари воҳага ташриф буюриб, ота-оналар билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг юракларига таскин беришни мўлжаллашганини айтишди. Агар амалга ошса, жуда яхши бўларди. Икки томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилиши учун дастлабки сўқмоқ очилганини олқишламоқ керак. Бу сўқмоқ кенг, равон йўлга айланиб, ўзаро ишонч мустаҳкамлангач, ортиқча миш-мишлар бизни қўрқувга солмаган бўларди. Аскарлар ой бориб, омон қайтишарди. Уларнинг «Мени кутгил ва мен қайтарман» деб тўла ишонч билан айтишларига замин, унга ишонишимизга асос бўларди...

ДАРВОҚЕ:

Вилоят комсомол қўмитасининг кейинги гап борадиган делегацияси кўпроқ қурилиш қисмларига «меҳмон» бўлса кўнгилдагидек иш бўларди. Зеро, биздан чақирилаётганларнинг аксарияти қурилиш қисмларида хизматни ўтаётгани сир эмас.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири,
Минск — Гомель — Хоразм.

Суратда: делегациянинг ҳамюртларимиз хизмат қилаётган қисмларида ўтказган учрашувларидан лавҳалар.

Муаллиф суратлари.

СИПОҲИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Ҳозирги пайтда СССР Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган ходимларнинг билим даражаси, янги замонавий техникаларини пухта эгаллашдаги маҳорати тобора ошиб бораяпти. Шунингдек, турли доираларда армиямиз шаънига айтилаётган ҳар хил гап-сўзлар ҳам эшитилиб турибди. Лекин бу армия билан халқ ўртасидаги мустаҳкам алоқани сусайтиришга асло хизмат қилмаслиги аён.

Эндиликда армия ва флотни малакали кадрлар билан таъминлаш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, ҳарбий муҳандислар тайёрлаш биринчи навбатда сипоҳилар сафини мустаҳкамлашга катта хизмат қилади. Ҳарбий муҳандис армияда жуда катта ўрин эгаллайди. Бу касбни эгаллаш учун албатта олий ҳарбий муҳандислар тайёрлайдиган билим юртларида ўқитиш керак бўлади. Ана шундай ўқув даргоҳларидан бири афсонавий авиация маршали А.И. Покришкин номидаги Киев олий радиотехника муҳандислиги ҳаво мудофааси билим юртидир.

Билим юртида юқори малакали радиомуҳандислар тайёрланади. Ўтган 37 йил мобайнида билим юртини мингдан ортиқроқ киши тугатиб, ҳозирги кунда СССР Қуролли Кучлари сафида хизмат қилмоқдалар.

Бу ерда курсантлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Уларга тажрибали ўқитувчилар ҳарбий муҳандисликнинг сир-асрорларини ўргатишмоқда. Мавжуд спорт секцияларида машғулотлар мунтазам олиб борилади. Талабаларнинг кўпчилик қисми ўқиш давомида спорт соҳасида биринчи разрядли, мастерликка номзод ва мастерлик талабларини бажарадилар.

Билим юртимиз Украина пойтахти, яқиндагина ўзининг 1500 йиллик тўйини нишонлаган Киев шаҳрида жойлашган. Мазкур даргоҳда мамлакатнинг турли бурчакларидан келиб ўқиётган йигитлар анчагина. Шу жумладан улар орасида ўзбекистонликлар ҳам бор. И. Сафаров, О. Валиев, Э. Умаров, Х. Пардаев, Б. Зарифбеков сингари ўзбек йигитларини ҳамма чуқур ҳурмат қилади.

Билим юртимизда ўқиш муддати 5 йил. Тугатганларга «лейтенант» ҳарбий унвони билан биргаликда «радиомуҳандис», «электрон техникаси муҳандиси» ҳамда «муҳандис — математик» дипломлари топширилади.

Сипоҳи бўлишни ҳохлаганлар қабул қоидалари билан пухта танишганларидан сўнг ўзлари яшаётган ноҳия ёки шаҳар ҳарбий комиссариатларига мурожаат қилиб, йўлланмалар олишлари мумкин. Мабодо ҳарбий комиссариатлардан белгиланган ўринлар тўлиб қолганлиги ҳақида жавоб олинса, тўғридан-тўғри билим юрти бошлиғи номига ариза юборилади. Аризада исм-фамилияси, отасининг исми, туғилган куни, ойи, йили ва уй адреси тўлиқ кўрсатилиши керак. Билим юрти раҳбарлари бир қарорга келишгач, ариза ёзган киши яшайдиган жойдаги ҳарбий комиссариат албатта хабардор этилади.

Азиз ўзбекистонликлар, билим юртимизга марҳамат!

В. ШАПОВАЛ,
Полковник.
Билим юртининг катта ўқитувчиси, техника фанлари номзоди.

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Марказий армия спорт клуби ўз майдонида Минскнинг «Динамо» командасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ягона тўпни бугунги кунда чемпионат ўйинларида энг кўп тўп урган Корнеев киритди. Шунингдек, Москванинг «Спартак» командаси «Днепр» билан дуранг (1:1) ўйнаб, бир очко йўқотди. Одессада маҳаллий «Черноморец» командаси эса киевлик «Динамо»чиларга 3:0 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

* * *

Футбол бўйича мамлакатимиз аёллар терма командаси Болгарияда бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказдилар. Биринчи ўйин 4:1 ҳисобида улар фойдасига ҳал бўлган бўлса, иккинчисини 1:0 га ютқазиб қўйишди.

ЁШ ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Миллий курашнинг бухорача усули бўйича 1973 — 74 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида жумҳуриятимизнинг шахсий командаси биринчилиги мусобақалари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Бухоро вилоятининг 1 — ҳамда 2 — терма командалари, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларининг полвонлари 11 вазн бўйича ғолиблик учун куч синашдилар. Икки кунлик қизғин беллашувлардан сўнг Бухоронинг 1 — терма командасига бош совринни тегди. Фахрий шоҳсупанинг иккинчи ва учинчи поғонасини Қашқадарё ҳамда хоразмликлар эгалладилар.

Шахсий ҳисобда бир пайтлар Ўзбекистоннинг довруғини оламга ёйган машҳур ва таниқли спортчимиз Собир Қурбоновнинг 16 ёшли ўғли Акобир Қурбонов вазни 60 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида жумҳуриятимиз чемпиони унвонини қўлга киритди.

Шунингдек И. Абдуллаев, А. Йўлдошев (Хоразм), Ф. Тўхталиев, Н. Шарипов, Н. Муҳамедов, Ф. Ниёзов, Ф. Тоҳиров (Бухоро), Х. Жўраев, К. Жалилов (Қашқадарё) ҳам ўз вазнлари бўйича ғолиб бўлдилар.

Б. БЕКЧОНОВ.





Кейинги пайтда жумҳуриятимиз ДОСААФ қўмитасининг вилоятлар ва ноҳиялардаги ташкилотларида спорт соҳасида анчагина ишлар қилинмоқда. Бу борада Самарқанд вилоятининг Булунғур ноҳияси ДОСААФ қўмитасининг фаолияти анча сезиларли даражада ўсиб бораяпти. Айниқса ноҳияда ёшларнинг картинг спортига бўлган қизиқиши анча баланд. Шул боис бўлса керак, қўмита қошида тузилган картингчилар командаси яқинда ўтказилган вилоят биринчилигида фахрли учинчи ўринни эгаллади-лар.

СУРАТЛАРДА: Картинг бўйича катталар ўртасида ўтказилган мусобақа ғолиби Ришат Асанов (ўнгда), чапда эса Тоҳир Жавлонов тренерлик қилаётган команда аъзолари навбатдаги машғулот пайтида.

Т. ДАВЛАТОВ суратлари.

Диққат: мулоқот

Демократия ва ошкоралик Ўзбекистон ССР ички ишлар органлари фаолиятида ҳам анча сезиляпти. Яқингача махфий деб ҳисобланган масалалар эндиликда очиқ-ойдин айтилмоқда. Милиция ходимларининг касб маҳорати, ўз бурчларига масъулиятини ошириш учун жиддий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Аммо муаммолар, аҳолининг ҳақли эътирозлари ҳали-ҳамон оз эмас. Уларни бартараф этиш учун халқ фикрини билиш янада муҳимдир. Шул боис, Ички ишлар нозирлиги аҳоли билан сим орқали очиқ мулоқот ўтказишга қарор қилди.

4 апрель куни соат 10 дан 13 гача министр ўринбосарлари Х. М. Маматов ички ишлар хизматида кадрларни ишга жойлаштириш ва уларни ишга қабул қилиш (телефон: 39-73-52), Е. В. Успенский ахлоқ тузатиш муассасалари иши (телефон: 39-74-63), Ғ. Р. Раҳимов ёнғинни бартараф этиш, мол-мулкни қўриқлаш хизмати (давлат объектлари ва гражданларнинг турар жойлари), (телефон: 39-74-62) масалалари бўйича, БХСС бошқармаси бошлиғи С. А. Тахтин (телефони: 33-64-37), жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи З. С. Нажмитдинов (телефони: 33-64-02), сиёсий бошқарма бошлиғи ўринбосари М. П. Иванов (телефони: 33-64-22)ларга ўз саволларингиз билан мурожаат этишингиз мумкин.

Мулоқотда берилган саволлар ва жавоблар умумлаштирилиб, газетамиз саҳифаларида эълон қилинади.

Бир хат изидан

СУВ КЕЛТИРГАН ХОРМИ?

Ушбу мавзу «теша тегмаган» ёки эътибордан четда қолган экан, деб айта олмайман. Буни қарангки, ҳамкасбларим бундан уч йил бурун, аниқроғи, 1987 йилнинг 30 январида [«Ёш ленинчи», «Инсофингиз борми ўзи!»] шаҳримиздаги санаторий типидаги 4-мактаб-интернати ишларининг ўлда-жўлдалиги ҳамда собиқ директор Г. Н. Романованинг «ўта қайноқ» иш фаолиятини қаттиқ танқид остига олган эдилар.

Орадан кўп ўтмай интернат ходимлари яна матбуотдан ҳимоя сўрашга мажбур бўлдилар. Тўғри, улар собиқ директор билан 13 йил бир қозондан овқат едилар, гарчи ўша таом нордон, тахир бўлса ҳам.

«...Романова қонунга хилоф ишлар билан ҳам шуғулланган. Масалан, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйиб, интернатга таниш-билишларини ишга олган, соппа-соғ болаларни ҳам (мактаб-интернатда сколиоз, яъни умуртқа поғонаси қийшиқ болалар даволанади — М. А.) ўқишга қабул қилаверган. Ҳозирча уларнинг сони 77 нафарни ташкил қилади».

(Редакцияга келган шикоят мактубидан).

Хатони тузатадиган мард дарров топила қолмади.

«Романова ишдан кетганидан кейин унинг ўрнига 1988 йил апрель ойида Демчук деган бир аёл директор этиб тайинландию, лекин у атиги бир кунгина ишлади, холос. Интернатдаги санитарияга хилоф аҳволни ва бошқа барча тартибсизликларни тезда тузатиб бўлмаслигини билиб, ишламай кетиб қолди».

(Шикоят мактубидан).

Мактаб-интернатнинг қай аҳволга тушиб қолгани ҳақида аниқроқ тасаввур пайдо қилиш учун юқорида номи тилга олинган мақолага яна бир бор мурожаат этишни лозим топдик. «...Одамзод топган-тутганини, аввало болаларига беради, қолганини ўзи ейди. Бу интернатда эса аксинча, давлат ажратган пуллар маъмурий корпусни ремонт қилишга, бинони ўраб олишга, қоровулхоналар қуришга ва ҳатто... интернат ходимлари учун уй-жой бунёд этишга сарфланган. Ётоқхоналар эса қандай бўлса шундайлигича, ремонт қилинмасдан қолиб кетган. Бир томонда... ҳайҳотдек кабинет, дид билан ремонт қилинган квартиралар, иккинчи томонда эса деворлари нарридан-бери сувалган, полининг тахталари кўчиб кетган ётоқхоналар, дераза ойналари синиб кетган ҳожатхоналар. Бугунги ҳаётимизга, унинг мантиқига ярашмаган бир-бирига зид икки қутб...

...Бағритош одамлар қўлидаги болаларнинг ҳоли не кечаркин!»...»

Икки йилдан ошиқ вақт интернат эгасиз, бошлиқсиз қолди. Бу орада нималар бўлмади, дейсиз.

Шундай бир вазиятда, Ҳайдар Зокиров ишга келди. Ўз хоҳиши билан.

Ўшанда 1989 йилнинг 10 июли эди. Ҳамма таътилда. Янги бошлиқ ишни шахсий «дело»ларни ўрганишдан бошлади. «Рогина Татьяна Петровна. 1985 йил 1,5 ставка билан ишга қабул қилинган. Кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқийди. 11-синф маълумоти бор».

«Қизиқ, ўйлади Ҳайдар ака. Нега энди 1,5 ставка. Ахир интернатдаги олий маълумотли тарбиячилар ҳам бир ставка билан ишлашади-ку. Шунда унинг нигоҳи ҳужжатларга илова қилинган справкага тушди. Унда педагогикага ихтисослашган кечки мактабда ўқийди, дейилган эди. Давомида эса мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида (тарбиячи бўлиб — М. А.) ишлаши мумкин, тарзида қўшимча қилинган. Ҳайдар акада негадир шубҳа туғилди. Рогина «ўқиган» мактабга сим қоқди. «Йўқ, — деди у ёқдан келган овоз. — Бизда ўқиганлар фақат болалар боғчаларидагина тарбиячи бўлиб ишлашлари мумкин».

Ҳужжатнинг қалбаки эканлиги маълум бўлиб қолди. Демак, бир неча йил давомида давлат маблағи қонунсиз ўзлаштирилган.

Мактаб-интернатдан бўшаган Рогина ўз айбини тан олиб, «жим» кетмади. Балки юқори ташкилотларга арз қилди. Даставвал халқ таълими ходимлари ноҳия касаба союз қўмитасига. У ердагилар текшириб, Роганинг ноҳақ эканлигини, қонун асосида бўшатилганини айтишди. Улардан «иш» чиқмагач, «қаҳрамон»имиз яна ёзди. Энди Чилонзор ноҳия халқ таълими бўлимига. Бу ҳақда мақола давомида яна тўхталамиз.

Фактлар ўжар бўлади, дейишади. Ҳужжатлар тилга кирдию, яна бир қанча хуфия ишлар очилиб қолди. Янги директор ҳам бўш келмади. «Нопок»лар ишдан четлатилди.

Янги ўқув йилининг бошланишига бағишланган Билимлар кунида «Совпластитал» — Ҳамкорликдаги Совет — Италия бирлашмаси санаторий типидаги 4-мактаб-интернатга 30 минг сўм ажратди. «Бу биздан Сизларга совға, интернат равнақи учун фойдаланарсизлар» дейишди азаматлар.

Сентябрь бошларида ҳисобчи Татьяна Петровна Смирнова директор ҳузурига кириб, Елена Ивановна Сергеева (бош ҳисобчи) устидан шикоят қилиб қолди: «Сиз уни билмайсиз, нопок аёл у».

Ҳар қандай киши ҳам бундай вазиятда иккиланиб қолиши табиий. Бунинг устига Зокиров интернатни расмий равишда қабул қилмаган. Одатда бундай ҳолатларда қоғозлар қораланади. Зокиров шаҳар халқ таълими Бош бошқармасига мурожаат этиб, тафтиш комиссияси юборишларини сўради.

Тафтиш комиссияси иш юритишда талай камчиликлар борлигини аниқлади.

«...Шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси санаторий типидаги 4-мактаб-интернатининг 1988 йил 1 ноябрдан 1989 йил 30 сентябргача бўлган даврдаги молиявий-хўжалик фаолияти тафтиши якунларини кўриб чиқиб, молиявий ишларининг қўпол равишда бузилганлигини, давлат мулкини ўзлаштиришга йўл қўйилганлигини таъкидлайди.

Йўл қўйилган нуқсонлар моддий жавобгар шахслар — бош ҳисобчи (Сергеевна Елена Ивановна — М. А.) ва 4-мактаб-интернатининг собиқ директори Романова Галина Николаеванинг ўз хизмат бурчини суиистеъмол қилиши оқибатида рўй берган.

(1989 йил 4 декабрда Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Шавкат Толипович Содиқов имзо чеккан 973-буйруқдан).

Ҳужжатлар орасида 4-мактаб-интернатнинг собиқ бош ҳисобчиси Е. Сергееванинг Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Қосимовга 1989 йилнинг 3 ноябрида ёзган тушунтириш хати ҳам бор. Унда у ҳақиқатан ҳам, 2029 сўм 5 тийинни ўзлаштирганлигини ёзади. Ҳамда пулни интернат кассасига қайтарганлигини билдиради. Оилавий аҳволи оғирлиги (отаси вафот этганлиги, уч фарзандни тарбиялаётгани) сабабли унга бериладиган жазони юмшатишни сўрайди.

Интернат бутунлай издан чиқиб кетган, унинг қайси томонини олиб қараманг, боши берк кўчага олиб борарди. Ётоқхона қаровсиз аҳволда. Бу ёғи қиш... Қорли-қировли кунларга тайёрланиш, биноларни таъмирлаш зарур эди. Иситиш системалари аллақачон металлом бўлиб қолган. Зудлик билан уларни янгилаш зарур. Бунинг учун маблағ қаерда?

Янги директор бунинг ҳам иложини топди. Йўлини қилди. Интернатдаги ўзгаришлар ҳамманинг кўз ўнгида рўй бераётганди. Замон таъсирими ёки раҳбарми, ҳар қалай одамлар энди бемалол ишлайдиган, дадил гапирадиган бўлиб қолишди.

Атрофда эса Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш авжида эди. Мактаб-интернат коллективи ҳам ўз номзодларини Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатишни лозим топди. Буни қонун инкор этолмасди. Тадбирни 25 ноябрга белгилашди.

Агар ғавғолар, дили хуфтонликлар барчаси шу сайлов юзасидан бошланишини билишганида зинҳор-базинҳор бу ишга қўл уришмасди.

Тадбир белгиланган кунга 1—2 кун қолганда, Зокиров номига турли хил қўнғироқлар бўла бошлади. Юқори ташкилотлар нима учундир у билан қизиқиб қолишганди. «Нима, Сиз ўз номзодингизни қўймоқчимисиз?», «Иш бошлаганингизга атиги уч ой бўлибди-ку, номзодингизни кўрсатмоқчимисиз? Бизда шундай раҳбарлар борки, ўн беш, йигирма йиллаб ишлаган, Сизга йўл бўлсин».

25 ноябрь куни мактаб-интернат коллективи ўз номзодларини Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатишни мўлжаллаб қўйишган эди. Аксига олиб ўша куни Зокировни ноҳия раҳбарлари эрта билан ҳузурларига чорлаб қолишди. Қабулдан Ҳайдар ака асабийлашиб чиқди. Раҳбар уни ниятидан қайтармоқчи бўлиб чақирган экан. Ҳолбуки, Ҳайдар Зокиров ўз номзодини депутатликка кўрсатишларини ҳеч кимдан сўрамаган эди. Бундай муомаладан унинг ғаши келди.

Интернатда эса яна бир дилхиралик кутаётган эди уни. Ноҳия фирқа қўмитаси ҳамда 62 — Мевазор сайлов мавзесидан вакиллар келишиб, йиғилишни қолдиришни талаб қилишди. «Майли, ноҳия кенгашига номзодингизни кўрсатамиз, шундан воз кечинг», дейишди.

Зокиров ҳеч қачон биров билан «келишиб» иш кўрмаган. Унга алам қилди.

Коллектив йиғилишни қолдирмади. Бир овоздан санаторий типидаги 4-мактаб-интернатнинг директори Ҳайдар Зокировни Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди.

Орадан кўп ўтмай, интернатни яна комиссия босди. Улар йиғилиш протоколини кўздан кечиришди. Интернатда штат бўйича неча киши ишлашини текширишди. Зора, 200 нафардан кам бўлса-ю, йиғилиш қарори чиппакка чиқса. Афсус, ходимлар 203 киши эди.

Комиссия изи совумасдан яна текширувчилар келишди. «Бу гал ноҳия ички ишлар, халқ таълими ва молия бўлимлари вакиллари «тирноқ остидан кир қидиришди».

«Биз «Совпластитал» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳадя этган пулларни текширмоқчимиз», дейишди улар. Зокиров «Ҳаққинглар йўқ, нимага асосланиб?» деди. Бунга жавобан «Биз ҳамма нарсага қодирмиз, ҳужжатларни олиб келинг» тарзида буйруқ бўлди.

Директор моддий ёрдам тариқасида 1—2 кишига пул ажратганди. Уларнинг оиласида бахтсизлик юз берган. Кейин Октябрь байрами муносабати билан ишчан ходимларга пул мукофоти тақсимлашган. «Бундай қилиш мумкин эмас. Пулни қайтариб олинг. Мукофотни иш ҳақи фондидан иқтисод қилиб берасиз» дея кўрсатма беришди текширувчилар.

Шу ерда мақоламизга «Совпластитал» бош директори А. Мелкумовнинг 1990 йил 23 январда 4-мактаб-интернатга йўллаган хатини илова қилишни лозим топдик: **«Мактаб-интернатга берилган 30 минг сўмни нимага сарф қилиш Сизнинг (интернат директори Ҳ. Зокиров — М. А.) ихтиёрингизда. Ҳеч ким, ҳатто «Совпластитал» ҳам Сизга бу борада хўжайинлик қила олмайди».**

Шунда ҳақли савол туғилади. Комиссиялар нимага асосланган ҳолда ташриф буюрмоқдалар? Уларнинг мақсади нима ўзи?

Комиссиялар эса тиним билишмасди. Бири кетиб, бири келарди. Қанийди, бирор қинғирлик топишолса?

Инсон метин эмас. Унинг куч-қудрати, сабр-бардоши чекланган. Ҳ. Зокиров номзодини Ўзбекистон ССР халқ депутатлигидан ўз хоҳиши бўйича ариза бериб, қайтиб олди.

Бу орада Рогина ҳам қўзғалиб қолганди. У ноҳия халқ таълими бўлимига, мени ноҳақ ишдан олишди, Зокиров даврида 33 киши бўшаб кетган, деб яна мурожаат қилган эди. Яна текшир-текшир.

Шаҳар фирқа қўмитаси ҳам текширувлардан четда қолмади. Улар «Оилангизни нотўғри ишга жойлабсиз» деб даъво қилишди. Ваҳоланки, буни қонун рад этмаган. 25 йил педагоглик қилган, минглаб кишиларнинг саводхон бўлиши учун жон куйдирган тарбиячини айбсиз ишдан олишди. Бор-йўғи унинг турмуш ўртоғи, шу ерда бошлиқ бўлиб ишлагани учун. Жумҳуриятимизда юзлаб мактабларда оилавий педагоглар ишлаяптику?!

Рўзномамизга келган шикоят хати бўйича 4-мактаб-интернатга борганимда ҳам комиссия ишлаётган экан. Айтишларича, ҳисобчи Р. Смирнова жумҳурият халқ назорати қўмитасига ёзган эмиш.

Жамиятнинг ёзилмаган ўз қонунлари, қоидалари бор. Нега қанчалаб кишиларнинг вақтини, умрини ўғирлаб, ишлашга ҳалал бераётган аризачиларга бирон чора кўрилмайди? Даъвоси тўғримасми, у ўша кунлар, вақтлар учун маблағ тўласин. Нега бу ҳақда қайғурмаяпмиз? Мана шунинг учун ҳам «ёзувчилар» ўзларини доно ҳисоблаб, бировларга чоҳ қазишади.

Февраль ойининг бошларида Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи интернатга ташриф буюради. Нима учундир якшанба куни. Дам олиш кунлари эса мактабда ҳеч ким бўлмайди. Албатта, қоровулдан ташқари. Ташриф ҳалигача сир бўлиб қоляпти. Эртасига эса бошқармадан яна келишиб, суратга олишади. 1989 йил иситиш системаларини қишга тайёрлаш жараёнида, қувурлар ёрилиб, сув бинолар деворига сингади. Йиллар давомида система издан чиққанди-да, ахир. Сураткаш эса вакил билан ўша манзаранигина объективга муҳрлайди. Зокиров қанча сўрамасин, бошқа жойлар билан қизиқишмайди. Назаримизда улар юқорининг измидан чиқишмаган. Бошқарма кенгашида «юксак маҳорат» билан олинган суратлар «мақталарди». Мазкур кенгашга нима сабабдандир Ҳ. Зокиров таклиф этилмади. Қизиқ-да, кенгашда мактаб-интернат ҳаётига оид масалалар муҳокама этилса-ю, унинг директори унда иштирок этмаса.

Зокиров ҳам бўш келадиган анойилардан эмасди. Ҳар ҳафтанинг сешанба куни бошқармада кенгаш бўлиши унинг хотирасида ўрнашган экан. Таклиф этишмаса-да, борди.

Ростдан ҳам, кенгашда интернатдан олинган суратлар кўргазмага қўйилгандек, намойиш этиларди. Бошқарма бошлиғи 4-мактаб-интернат аҳволи ночор эканлигини таъкидлаб, директор шаънига ҳам бир-икки оғиз сўз айтди: «Бундай директорни қаердан топгансизлар ўзи? Олдинги директор опа (Романова демоқчи — М. А.)-нинг ишлари яхши эди-ку?..»

Зокиров сўз сўради. Ҳаммасини, ипидан игнасигача нима бўлган бўлса, айтиб бермоқчи эди. Афсуски, уни эшитишни истамадилар.

Баъзида ўйга толасан киши. Бировни айблашдан олдин, унинг кўнглига қўл солиб кўриш мумкин эмасми? Нега директорнинг нималар билан машғуллиги уларни қизиқтирмади. Бировни айблаш осон, бироқ уни ҳимоя қилиш, қўллаш оғирроқ.

Бошқарма бошлиғи собиқ директорнинг ишлари яхши эди-ку, деганида нималарни назарда тутди экан? Балки, ногиронлар йиллаб навбат кутаётган бир пайтда соппа-соғ болаларни ҳам мактаб-интернатга қабул қилинганинидир? 64 нафар болага ҳар куни 2 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари сарф қилинади. Хўш, шунча болага кетаётган ортиқча давлат маблағини ким чўнтагидан тўлаши керак. Ҳанузгача бу масала ҳал этилмаган. Демак, давлат мулки текинга сарфланаверсин экан-да? Ёки уй-жой танқис бўлиб турган пайтда, Романованинг ҳотамтойлигини улар маъқул топишар? 30 йилдан буён, интернатда ўқитувчи-тарбиячи бўлиб ишлаётган жонкуярлар 3 хонали секцияда 12 жон (ҳар бир кишига 3,6 кв. м) яшаб турган пайтда ўқув корпусидан 3 та хонанинг ўзига тегишли тарбиячига ажратилишини (50 кв. м.) қандай тушуниш мумкин? Тағин, 5 йил давомида-я?! Ўқув хоналарининг етишмаслигини улар билишарди-ку. «Ласточка» кооперативидан 5400 сўмга харид қилинган 700 дона массаж туфлилари-чи? 45 размердаги шиппаклар не мақсадда сотиб олинган? Омборхонада чанг босиб ётган моллар учун ким жавоб беради? Буни собиқ директор, ҳа, фақат Г. Романова билади. Ундан эса у ишдан кетаётганида бу ҳақда сўрайдиган мард топилмади.

Интернатда йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, тегишли кишиларни жазолаш ўрнига, кечагина директор бўлиб ишга келган Зокировни чалиш билан оворалар. «Сув келтирган хору, кўза синдирган азиз»ми?

Романова 13 йилда қилолмаган ишни, Зокиров 2-3 ойда дўндириб ташлади.

Врачлар хулосасига кўра, интернатда даволанаётган ногиронлар системали равишда чўмилиб туришлари керак экан. Ёпиқ сув ҳавзаси эса интернатда йўқ. Тарбиячилар болаларни «Меҳнат резервлари» спорт комплексига олиб боришади. Бассейнни қуриш учун 450 минг сўм пул керак. Шунча маблағ қаерда дейсиз?

Зокиров бунинг ҳам иложини топган. «Совпластитал» ишлаб чиқариш бирлашмасидан ёрдам сўради. Аҳволни тушунтирди. Бирлашмадагилар 300 минг сўм пул ажратишди. Қашқадарёда ҳам уларни қўллаб-қувватлашди. Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси 150 минг, «Муборакгазпром» 40 минг, «Шўртангаз» 30 минг сўм беришга ваъда қилди.

Хайрли ишлар аллақачон амалга ошиши, бундан ногиронлар дили яйраши мумкин эди. Афсуски, директорни ишлашга қўйишмаяпти.

— Аҳвол шундай давом этаверса, мен ишдан бўшашга мажбур бўламан, — дейди Ҳайдар ака мен билан хайрлашаётиб. — Афғонистонда, ишлаб юрганимда ҳам бунчалик қийналмаган эдим.

Бугун-эрта яна бир жонкуяр инсон ўз ўрнини йўқотиши мумкин. У жамиятга, интернатга, ногиронларга анча ёрдам қила оларди.

Кимга жабр бўлади? Яна болаларга, қалби яримталарга...

Муҳаммад АМИН,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.
Тошкент.

«ТОЙОТА»ЛАР ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИМОҚДА

Қарши ва Шаҳрисабз аҳолиси Япониядаги «Тойота» фирмасида тайёрланган микроавтобусларнинг дастлабки йўловчилари бўлишди. Бу ерда ўн беш ўринли саккизта машина маршрут такси вазифасини бажармоқда. Уларда юриш учун одатдагидек 15 — 20 тийин тўланади.

Яқиндагина бу машиналар Қашқадарё вилоят агросаноат уюшмасининг шахсий мулки эди, бироқ улардан самарали фойдаланилмасди. Шунинг учун автотранспортчилар билан агросаноат комплекси меҳнаткашлари ўртасида микроавтобусларни автотранспортчиларга бериш тўғрисида битимга эришилди.

Ҳозир жумҳуриятда маршрут таксилари анча етишмай турибди. Энг камтарона ҳисоб-китобларга қараганда, шу танқисликни қоплаш учун Ўзбекистонга 500 та «Раф» керак бўлади. Бироқ завод фақат 111 та машина етказиб бера олади, лекин ҳатто шунча машина учун ҳам ҳали шартнома имзоланмаган. Шундай экан, қашқадарёликларнинг мавжуд тақчилликни қоплашга, одамларни қулай автотранспорт билан таъминлашга интилиши ўз-ўзидан тушунарли.

(ЎзТАГ мухбири).

ТВ

4 АПРЕЛЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Ботаника. Гул ва мевалар. 12.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Брест узра шундай осойишталик», «Фронт хроникасидаги ном». Телефильмлар. 12.30 Адабиёт. Мақсуд Шайхзода ижоди. 13.00 «Қамал». Тўрт серияли бадиий фильм. Биринчи фильм — «Луга марраси».

* * *

17.30 «Чорвадор» программаси. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Хуш келибсиз!», «Кичик дўстларнинг саргузаштлари». Мультфильмлар. 18.30 «Турар-жой — 2000». Наманган вилоятида якка тартибда уй қурилишнинг бориши ҳақида. 19.00 «Мактаб ислоҳоти — ҳаётга!». Мактаб, кенгашлар ва жамоатчилик. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Дарахт қўшиғини тинглаб». Телефильм («Ўзбектелефильм»). 20.00 «Тилга эътибор...». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Хоразм ҳовлалари». Концерт. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Ялла»нинг Наврўз чойхонаси. 23.35 Янгиликлар. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Манфаатларимизга мос» (рус тилида). 18.50 «Қамал». Тўрт серияли бадиий фильм. Учинчи фильм — «Ленинград метрономи».

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 Мультфильмлар: «Ўрмон сўқмоқларида», «Мишка сайрда» («Ўзбекфильм»), «Одамга ўхшашни хоҳлайдиган сичқонча», «Кичик хўтик орзуси». 8.35 «Бор бўл, мусиқа!», Л. В. Бетховеннинг симфоник ижоди. 9.35 «Аччиқ сўзим билан кулдираман». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-ва 2-сериялар. 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 «Мусиқий хазина». В. А. Моцарт ва Р. Шуманнинг фортепьяно ва оркестр учун концертлари. 16.25 «ТелеЭКО» журнали. 16.55 Болалар соати (немис тили дарси билан). 17.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Рассом В. Охунов ва Т. Миржалиловлар устахонасида (Ўзбекистон ССР). 19.00 «Эскирган комедия». Бадиий фильм («Мосфильм»). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 «Телевизион танишув». СССР халқ артистлари Е. Максимова ва В. Васильев. Кўрсатувни У. Отт олиб боради (Эстония). 22.40 И. С. Бах. Скрипка ва торли оркестр учун ля минор концерти. 22.55 «Мезон» («Иқтисод ва ахлоқ ёки инсонга не даркор?»). 23.15 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

12.05 «Экран усталари» Кинорежиссёр А. А. Тарковский ҳаёти ва ижодий тақдири ҳақида. 1-қисм. 13.20 Ф. И. Шаляпин номли IX Бутунроссия опера фестивали. Қозондан кўрсатилади. 14.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Илк қувончлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм («Ленфильм»). 1-серия.

* * *

16.30 Мультфильмлар: «Дангасалик», «Тарки одат амри маҳол». 16.55 «Ўз дардини енгиш» (Свердловск). 17.10 «Парнас сари бир босқич». 17.20 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Кўзгу» (Новосибирск). Обь сув бойликларини муҳофаза қилиш ҳақида. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 **СССР Олий Совети сессиясида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Виздачи..». 20.45 Е. Иванова куйлайди. 21.35 «Чемоданча». Югуришнинг фойдаси ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 21.45 Молдавия давлат консерваториясининг ўқитувчилари ва талабалари ижро этади. Кишинёвдан кўрсатилади. 22.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 22.30 «Ота кўрасининг ҳарорати». Ашхободдан кўрсатилади. 23.00 «Экран усталари». Кинорежиссёр А. А. Тарковский ҳаёти ва ижодий тақдири ҳақида. 2-қисм.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 04181.
Д. — 23208.